

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 47 (1108), 2024 йил 6 март, чоршанба

www.yuz.uz f yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz



ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ҚАД РОСТЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ ИНШОТЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 март куни Тошкент шаҳрида спорт таълими, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги замонавий объектлар, экологик вазиятни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент шаҳрида барпо этилган Баҳодир Жалолов ихтисослаштирилган бокс спорт мактабини бориб кўрди.

Олимпиада ва Осиё ўйинлари голиби, икки карра жаҳон ва уч карра Осиё чемпиони Баҳодир Жалолов Ўзбекистон спортининг байроқдори ҳисобланади. У кейинги йилларда профессионал боксда ҳам муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Юртимизда бундай чемпионлар фаолиятини тарғиб қилиш, уларнинг намунасида ёш спортчиларни тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 14 мартдаги қарорига мувофиқ, шундай яна бир маскан — Бокс бўйича Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактаби ташкил этилди.

Бу ерда халқаро даражадаги боксчиларни тайёрлаш, бунинг учун юқори малакали мураббий ва мутахассисларни жалб этиш, ўқув-машгулотларни халқаро стандартлар даражасида ташкил қилиш ҳамда илғор тажрибалар асосида унинг сифатини ошириб бориш йўлга қўйилмоқда.

Тўрт қаватли замонавий бинода бунинг учун барча шароит яратилган. Биринчи қаватда асосий спорт зали, сузиш ҳавзаси, тиббиёт хонаси ва ошхона бор. Иккинчи қаватда психология, жоржий тиллар, назарий машгулотлар, информатика ва ўқитувчилар хоналари, шунингдек, 45 ўринли меҳмонхона жойлашган. Учинчи ва тўртинчи қаватларда

235 ўринли ётоқхона, маънавият хонаси ташкил этилган. Шунингдек, бино ертўлисида автотураргоҳ қурилган.

Бокс мактаби 175 ўринга мўлжалланган бўлиб, 5-11-синфларга ҳар йили 25 нафардан ўқувчи саралаб олинади. Илк иқтидорлар 2022 йилги ўқув йилида қабул қилинган ва бугунги кунда 50 нафар ўқувчи сабоқ олмақда. Улар бутун мамлакатимиздан келган талабгорлар орасидан саралаб олинган.

Баҳодир Жалолов мактаби ўқувчилари 2023 йилда халқаро ва республика мусобақаларида 26 та олтин, 18 та кумуш, 15 та бронза медални қўлга киритган. Бу йил ҳам қатор турнирларда иштирок этиш режалаштирилган.

Мактаб бутун мамлакатимиз ёш боксчилари учун ўқув-машгулот базаси бўлади. Ёш истиқболли боксчиларни танлаш ва тарбиялаш бўйича бошқа спорт мактаблари ва марказлари билан ҳамкорлик қилиб боради.

Шу бокс, мактабда ёш спортчилар, соҳа мутасаддилари билан мулоқот бўлди. Мулоқотга видеоалоқа орқали худудлар ҳам уланди.

— Биз бу йилни Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилдик. Ҳар доим ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, ёшларга керакли шароитларни яратиб келишимиз. Уларнинг салоҳияти, интилиши кучли. Бокс бўйича дунёда етакчилар қаторидамиз. Бу салоҳиятни, иқтидорли ёшларимизни ривожлантириш мақсадида шу мактабни

ташкил этдик. Энди Баҳодир Жалолов мактаби ўз йўналишида худди Президент мактабидек намунавий тизим бўлади. Бокс методологияси, диетологияси, тиббиёти, психологияси худудлардаги спорт мактабларида ҳам ривожлантирилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Вилоят ҳокимларига спорт федерациялари билан ҳамкорликни яхшилаш, худудларда уларнинг ишига қўмақлаш буйича кўрсатмалар берилди. Ёшлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, хусусан, уларни боксга жалб этиш, бунинг учун мактаб ва тўғрақларда шароитларни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Спорт гимнастикаси бўйича уч карра жаҳон чемпиони, жаҳон кубоги соҳиби Оксана Чусовитина — мамлакатимиз фахри. У саккизта Олимпиадада қатнашган ягона гимнастикачи сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган.

Юртимизда шундай спортчининг бўлиши болалар учун намуна, дадда. Президентимизнинг 2022 йил 14 мартдаги Оксана Чусовитина ихтисослаштирилган гимнастика спорт мактабини ташкил этиш тўғрисидаги қарори спортсевар ёшларга катта шароит яратди.

Давлатимиз раҳбари ушбу спорт мактабига ташриф буюриб, бу ердаги шароитларни ва машгулотларни кўздан кечирди.

Муассаса миллий терма жамоалар учун халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш, юқори малакали мураббий ва мутахассисларни жалб этиб, ўқув-машгулот жараёнини

халқаро стандартлар даражасида ташкил қилиш, мураббийлар ва гимнастикачилар маҳоратини мунтазам ошириб боришга йўналтирилган. Бунинг учун уч қаватли замонавий бинода барча шароит яратилган.

Биринчи қаватда асосий зал ва машгулотлар зали, тренажёр майдончаси, тиббиёт хонаси ва ошхона жойлашган. Тепа қаватлардан 165 ўринли ётоқхона, меҳмонхона, информатика ва маънавият хоналари ўрин олган. Мактаб Германиядан келтирилган спорт анжумлари ва жиҳозлари билан таъминланган.

Гимнастика мактаби 5-11-синфлардаги 105 нафар ўқувчига мўлжалланган. Бугунги кунда 91 нафар ўғил-қиз маҳоратини оширмоқда. Уларга иккита хорижий тил ҳам ўргатилади.

Чусовитина издошлари ўтган йили спорт гимнастикаси ва бадий гимнастика бўйича халқаро мусобақаларда 4 та, республика турнирларида 6 та ва спорт мактаблари ўртасида 24 та медални қўлга киритган.

Муҳими шундаки, гимнастикачи ёшлар бир жойнинг ўзида яшаб, таълим олиб, машгулотлар ўтказди. Умуман олганда, бу спорт мактаби гимнастикачилар учун республикада ягона ўқув-машгулот базасига айланади.

Шу ерда спорт соҳаси мутасаддилари ҳамда видеоалоқа орқали худудлар раҳбарлари иштирокида мулоқот бўлди.

— Нима учун биз бу йўналишга катта эътибор бериб, мактаблар яратялми? Гимнастика — ҳамма спорт турларининг асоси. Футболчи ҳам, боксчи ҳам, соғлом бўлман деган инсон ҳам гимнастика қилиши керак. Иқтисодий ривожлантириш, ёшларга таълим бериш билан бирга уларни спорт билан шуғуллантирсак, юртимизда соғлом зурриёт, соғлом миллат бўлади, — деди Президент.

Ушбу мақсадда гимнастикачи болалар болчаларидан кенг жорий қилиш, қобилиятли спортчиларни саралашни шу босқичдан бошлаш, ҳар бир худудда иккитадан гимнастика мактаби ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Жорий йил Францияда бўладиган Олимпия ўйинларида қатнашадиган спортчи ва уларнинг мураббийларига алоҳида шароит яратиш, муносиб тайёргарлик кўришини таъминлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев экологик вазиятни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан танишди.

Сўнгги вақтларда экологик муаммолар, айниқса, ҳаво тозалиги кенг жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Экологик хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган автотранспорт воситаларидан чиқётган зарарли газлар ва йўллардаги тирбандликлар бунинг асосий сабабларидан биридир. Шу бос, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан экологик вазиятни яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, автотранспорт воситаларининг зарарли ташланмалари билан боғлиқ экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадида Тошкент шаҳри Миробод тумани Файзобод

маҳалласида жойлашган Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлими мутлақо янги услубда ишловчи замонавий диагностика марказига айлантирилди.

Давлатимиз раҳбари марказ фаолияти билан танишди.

Марказ фаолиятини ташкил этишда Германия, Бельгия, Франция каби ривожланган мамлакатлар шаҳарларининг экологик муҳитини муҳофаза қилиш соҳасидаги илғор тажриба инобатга олинган.

Бу ерда транспорт воситаларига давлат рақам белгиси бириктириш ва қайд этиш гувоҳномасини топшириш жараёни турли бюрократик тўсиқлар ва овозгарчиликдан холи қилинган, инсон омили минимал даражага туширилган. Аввал автототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш жараёни олти-етти босқичда амалга оширилган бўлса, ҳозирда босқичлар сони учтага қисқарди.

Асосийси, эндиликда марказда автомобильдан чиқётган зарарли моддалар миқдори текширилади ва экологик текширув натижасидан келиб чиқиб, RFID чип ўрнатилган “кэзил”, “сарик” ёки “яшил” ёрлиқ (стикер) машинанинг олд ойнасига ёпиштирилади.

Келгусида жорий экологик вазиятдан келиб чиқиб, шаҳар худуди бир неча экологик зоналарга ажратилади ва транспорт воситаларининг ҳавога чиқараётган зарарли моддалари даражасига кўра, яъни стикер рангига қараб, айрим экологик зоналарга киришни босқичма-босқич чеклаш тақдир этилмоқда. Бунда экологик зоналарга рухсат этилмаган транспорт воситаларининг кириши автоматлаштирилган ҳолда назорат қилинади. Қоидабузарлик натижасида келиб тушаётган жаримлар худуднинг экологик ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Тизим тўлақонли ишлаши учун мамлакат бўйлаб 100 га яқин ҳавони мониторинг қилиш автоматик станциялари ўрнатилиши, транспорт воситаларининг атмосферага чиқараётган зарари даражасини баҳолаш учун 84 та рўйхатга олиш-диагностика марказларини, шунингдек, Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг 216 та худудий туман бўлима-ларини замонавий диагностика ускуналарини билан жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

Ўз навбатида, аҳоли учун электромобилларни харид қилишни рағбатлантириш, шу жумладан, бундай тоифадаги автомобиллар учун давлат рақамларини беришда ундирилган тўлов миқдорларини камайтириш юзасидан аниқ амалий чоралар кўрилади.

Автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш ва диагностика марказига ташриф чоғида Президент Шавкат Мирзиёевга Тошкент шаҳридаги гажум чорраҳалар ва кўчаларни тартибга солиш, бу орқали тирбандликларни бартараф этишга оид лойиҳа тақдимот қилинди.

Лойиҳа ўз олдига учта асосий вазифа қўйган — пиёдалар хавфсизлиги ва қулайлиги, жамоат транспортига устуворлик, ўтказиш қобилиятини ошириш ва йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш.

Мазкур лойиҳа синов тарқасида Тошкент шаҳридаги йирик чорраҳада — Бобур ва Фурқат кўчалари кесиммасида амалга оширилди.

Пиёдалар учун чорраҳаларда “хавфсизлик оролчалари” бунёд этилди, пиёдалар ўтиш жойида светофорни бошқариш ускуналари ўрнатилди. Жамоат транспорти бекатлари йўловчилар учун тушиб-чиқишга қулай тарзда қайта лойиҳалаштирилди.

Шунингдек, чорраҳаларга давомийлиги оқимга қараб мослашадиган интеллектуал светофорлар тизими ташкил этилди.

Бу каби лойиҳалар натижасида чорраҳаларнинг ўтказиш қобилияти сезиларли даражада ошиб, тирбандликлар камайтирилади, жамоат транспорти янада самарали бўлади.

Президентимиз бу ишларни кенгайтириш, “шаҳар — пиёдалар учун” тамойилни тўлиқ рўёбга чиқариш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Tashkent City Mall савдо-кўнгилочар марказига ҳам борди.

Мажмуа кўп функцияли бўлиб, замонавий тижорат ва хизмат турларини қамраб олган. 5 қаватда савдо дўконлари, ресторон ва кафе-лар, кўнгилочар ўйинлар ва спорт майдонлари жойлашган. Ер остида 2 қаватли автотураргоҳ бор.

Марказда дунёнинг энг олди брендлари шоҳобчаларини очган. Улар орасида биринчи марта Ўзбекистон бозорига кириб келаётганлари ҳам талайгина.

Улкан майдонда болалар ва катталар учун ёпиқ ўйингоҳлар мавжуд. Шунингдек, 14 та кинотеатр ташкил этилган. Бир сўз билан айтганда, бу ерда одамлар харид қилиши, дам олиши, спорт билан шуғулланиб, вақтини чоғ ўтказиши учун барча шароит яратилган.

Мажмуа бир кунда 60 минг кишига хизмат кўрсатиш қобилиятига эга. Учра 3 миңдан зиёд киши иш билан таъминланади.

Президент бу ерга келган одамлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари мазкур мажмуанинг бир қисми бўлган беш юлдузли меҳмонхонада яратилаётган шароитлар билан ҳам танишди.

31 қаватли бу меҳмонхона бир вақтнинг ўзида 500 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Унда юқори мартабали меҳмонлар учун шароитлар, 273 та стандарт хона ташкил этилади.

Шунингдек, катта ва кичик конференция заллари, оқич ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, ресторон ва кафе-терия хизмат кўрсатади. Бинода замон талабига мос “Ақли уй” тизими ҳамда тизорат лифтлар ўрнатилган.

Меҳмонхона май ойида ишга туширилиши режалаштирилган. Бу ерда яна 500 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Халқимизга замонавий хизматлар тақдим этиладиган бундай марказларни мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам барпо этиш муҳимлиги айтилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотига улкан эҳтиром кўрсатиш, давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзининг самарали меҳнати, бой тажрибаси билан юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган хотин-қизларни муносиб тақдирлаш мақсадида қуйидагилар мукофотлансин:

Бағишова Билимхон Алимбековна — Чортоқ туманидаги “Соз-сой” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Наманган вилояти
Жўрақулова Рано Мухамеджановна — Самарқанд вилояти мусиқали драма театрининг драма артисти

Рахимова Гулоро — Хоразм вилояти мусиқали драма театрининг етакчи саҳна устаси
Рахимова Райхон Абдурасуловна — Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курси директори
Эгамбердиева Турғуной Ахамаджоновна — Фарғона давлат университетининг Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, Фарғона вилояти

Аслонова Эмма Сергеевна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси

Ахмедова Махсума Тўхтамуродовна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи
Бахрамова Ризвон Ахроровна — Бухоро вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, бош отинийиси
Вохидова Маглубохон Маноновна — Сўх туманидаги “Мулки Бовоҳид” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти
Джакеева Замира Дербисовна — Томди тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими бошлиғи, Навоий вилояти

Джуралиева Азамат Тураевна — Термиз туманидаги “Темур бобо” фермер хўжалиғи агрономи, Сурхондарё вилояти

Давоми 2-бетда

Шукуҳ

ОЛАМ НУРГА ТЎЛСИН СЕН БИЛАН, НАВРЎЗ!

Жонажон диёримизга барчамиз орзиқиб кутган, гўзал ва бетакрор, фаслар келинчаги Наврўзи олам ташриф буюрмоқда. Минг йиллар давомида маънавий ҳаётимизнинг кўрку зийнати бўлиб келаётган бу хосиятли бағрам бугун қалбларимизга яна чексиз қувонч ва завқ бағишламоқда.

Давоми 2-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Дўлибоева Барчиной Абдурасулловна — Бахмал туманидаги “Барлос” фольклор жамоаси бадий раҳбари, Жиззах вилояти
Есимханова Регина Александровна — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Тошкент юк вагон депоси вагон йиғув цехи кран машинисти
Зиягурова Рузалия Шафкатовна — Сирдарё вилояти ихтисослаштирилган спорт мактабининг энгил атлетика бўйича мураббийси
Искандарова Роза Раҳмановна — Ўзбекистон давлат хореография академиясининг хореография педагогикаси кафедраси доценти
Каюмова Маликаҳон Абдурахимовна — Поп туманидаги “Рарфен” масъулияти чекланган жамияти оператори, Наманган вилояти
Мурадова Гулзира Сариевна — Миришкор туманидаги “Янги Миришкор агропила” масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Қашқадарё вилояти
Сергеева Юлия Владимировна — Ўрта Чирчиқ туманидаги “Ким Пен Хва чорва” фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти
Хамроева Гулноза Маматмуратовна — Пастдаргом туманидаги 8-оилавий болалар уйи раҳбари, Самарқанд вилояти
Ходжаева Сайёра Атахановна — Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти директори
Шерова Саодат Отажановна — Шовот туманидаги “Шовот қалъа бизнес-сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти
Эргазиева Майраҳон Сатволдиевна — “Хунармаңд” уюшмасининг Андижон вилояти бошқармаси аъзоси, дўппидўз
Ягафарова Нанля Мунировна — “12-трест” акциядорлик жамиятининг архитекторлар ва дизайнерлар бўлими етакчи архитектори, Тошкент шаҳри

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Бафоева Сидиқа Хамроевна — Когон шаҳридаги “Арабхона” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Бухоро вилояти
Норбаева Зеваржон Тангрибергеновна — Қўшқўпир туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Бошланиши 1-бетда

Она табиатни севиш ва ардоқлаш, ҳаёт гултожи бўлмиш инсонни қадрлаш, Ватанга муҳаббат ва садоқат каби эзу гоёларни ўзида мужассам этган Наврўз халқимизнинг энг қадимий, миллий байрамидир. 2024 йил 4 март куни Президентимиз қарори билан ушбу айёмни бу йил юртимизда “Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!”, деган бош ғоя асосида нишонлаш белгиланди.
Мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, инсон қадрини улуғлашдек буюк мақсадларни амалга оширишга қаратилган кенг кўламли демократик ислохотлар жараёнида барча миллий қадриятларимиз қатори Наврўз умумхалқ байрами ҳам ўзига хос маънавий таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз ўзининг хуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини тобора чуқур англаб бораётган янги Ўзбекистон шароитида Наврўз, том маънода, умумхалқ байрамига айланиб, эл-юртимиз томонидан катта шоду хуррамлик билан нишонланади. Халқимиз асрлар давомида эъозлаб

Ташматова Зулфия Азизовна — Чилонзор туманидаги “Қўркам” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

II даражали “Саломатлик” ордени билан

Буриева Шарофат — Пахтачи туманидаги “Ҳақимкул” оилавий шифокорлик пункти мудир, Самарқанд вилояти
Нормуродова Маърифат Эгамуродовна — Шеробод туманидаги “Euro Med Plus” диагностика ва даволаш маркази раҳбари, Сурхондарё вилояти
Холбоева Гулноз Баҳадировна — Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси анестезиолог-реаниматолог

“Соғлом турмуш” медал билан

Азимова Рано Исмаилжановна — Хонобод шаҳридаги “Кампирровот” оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Андижон вилояти
Халикова Ольга Андреевна — Юқори Чирчиқ тумани спорт мактаби директори, Тошкент вилояти

“Содиқ хизматлари учун” медал билан

Имамова Юлдуз Алланазаровна — Жарқўрғон тумани ички ишлар бўлимининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, Сурхондарё вилояти
Расулова Гулбахор Обидовна — Жиззах шаҳар ички ишлар бошқармасининг 2-ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, Жиззах вилояти

“Келажақ бунёдкори” медал билан

Атаджанова Дилдора Адилбек қизи — Сергели туманидаги “Dalatech Systems” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри
Маматмўминова Иқбол Эркин қизи — Шўрчи тумани “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Сурхондарё вилояти

Машрабова Мухлиса Алижон қизи — Андижон давлат университетининг санъатшунослик факультети 4-босқич талабаси, Андижон вилояти
Худойбердиева Малика Валижон қизи — Учқудуқ тумани “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Навоий вилояти

“Шуҳрат” медал билан

Абдуғофурова Ферузахон Тожиматовна — Булоқбоши туманидаги “Тулан фойз” масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти
Абдукаримова Саодат Жуманазаровна — Янгиариқ тумани “Янгиариқ” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Хоразм вилояти
Аметова Гаухар Гулмуратовна — “Тахиятош иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятининг бўлим муҳандиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Атоева Раҳима Камоловна — Халқ депутатлари Ромитан тумани Кенгаши котибияти мудир, Бухоро вилояти
Ачилова Фируза Курбановна — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали логистикада ахборот технологиялари кафедраси доценти, Қашқадарё вилояти
Бобоқуллова Гулнора Норматовна — Жиззах шаҳридаги “Зилол” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти
Гийёзова Инобат Сулаймоновна — Паркент туманидаги “Кумушкон саховати” оилавий туризм корхонаси директори, Тошкент вилояти
Дулабова Нафиса Юсуповна — Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг регионал ва рудали геология бўлими бошлиғи
Жуманазарова Гулчехира Жумахметовна — Кегейли тумани “Халқобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Исмоилова Мамлакат Норқулловна — “Навоий иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятининг марказий таъмирлаш цехи кран машинисти, Навоий вилояти
Исраилова Буайшаҳон Абдурасулловна — Учқўрғон туманидаги “Uchkurgan Textile” масъулияти чекланган жамиятининг “John Deere” пахта терим комбайни механизатори, Наманган вилояти

Ишонқуллова Дилрабо Сайфиевна — Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг цех курилмаси кузатувчиси, Қашқадарё вилояти
Каримбердиева Дилбар Зиятдиновна — Тўрткўл туманидаги “Аяз юрт” оилавий туризм корхонаси директори, Қорақалпоғистон Республикаси
Кошипжоновна Уктамон Салимовна — Тошлоқ туманидаги “Zamin Aziya Farm” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти
Курбанова Мунаввара Абдужаббаровна — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг тил назарияси кафедраси доценти
Кучкарлова Сайёра Юлдашевна — “Олмалик металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Рух заводи вельдлаш цехи шихталовчиси, Тошкент вилояти
Қодирова Нодира Ғофуровна — Риштон туманидаги “Олимжон Илсбек” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти
Мирмахсудова Тамара Наркуловна — Ўзбекистон давлат драма театрининг драма артисти
Негматова Улуғой Мусоновна — Сардоба тумани телекоммуникация боғламасининг станция иншоотлари гуруҳи алоқа электр механиги, Сирдарё вилояти
Нуридиновна Манзура Тошқулловна — “Навоийуран” давлат корхонасининг “Учқудуқ” ишлаб чиқариш майдони геотехнологик кони аппаратчиси, Навоий вилояти
Патхитдинова Шахназа Абдалиевна — “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш цехи кран машинисти, Тошкент вилояти
Примова Холдида Анорбетовна — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали ахборот технологиялари кафедраси профессори, Самарқанд вилояти
Пулатова Сабоҳат Усмановна — Бухоро муҳандислик-технология институтининг тикувчилик саноатида инновацион технологиялар кафедраси профессори, Бухоро вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2024 йил 5 март

III. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 5 март

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 5 март

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 5 март

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 5 март

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 5 март

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 5 март

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 5 март



Шукуҳ

ОЛАМ НУРГА ТЎЛСИН СЕН БИЛАН, НАВРЎЗ!

НАВРЎЗИ ОЛАМ ДОИМО ХАЛҚИМИЗ УЧУН МИЛЛИЙ ИФТИХОР, МИЛЛИЙ ҒУРУВ, ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК РАМЗИ БЎЛИБ КЕЛГАН ВА ШУНДАЙ ДАВОМ ЭТАДИ.

Мансур МУСАЕВ, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар доктори



келаётган, БМТ тарафидан ҳам халқаро байрам сифатида эътироф этилган Наврўзи оламнинг ана шундай беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб, ушбу айёмни мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ўзгариш ва янгиликлар жараёнига уйғун ва ҳамдоҳ тарзда, ҳар томонлама юксак савияда, кўтаринки руҳда нишонлашга алоҳида эътибор қаратиб келинади.
Наврўз байрами қадимдан табиатнинг уйғониш рамзи сифатида кенг нишонланади. Ушбу байрамни халқимизда сайиллар



ўтказиш, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, барчага, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга меҳр-мурувват кўрсатиш орқали биргаликда нишонлаш одат тусига кирган. Янгиликлар, яшариш айёми ўлкамизга қадим қўйиши билан ҳар биримиз ён-атрофимиздаги мавжудотнинг уйғониши, куртаклар ва гул-чечаклар очилиши, еру кўк бағрида юз бераётган ўзгаришлар, баҳор нафасидан баҳраманд бўламиз, она табиатимизнинг узвий ва ажралмас қисми эканлигини беихтиёр чуқур ҳис қиламиз.
Шарқона янги йил азалдан инсон руҳиятида янгиликлар, яшариш каби туйғуллар яратувчи кун сифатида қабул қилиниб, ўзгача кайфият билан кутиб олинган, ҳозир ҳам шундай. Бунда оила, қавм-қариндошлар жамланиб, дастурхонга қўлдам таомлари тортилиб, бирдамликда, бир-бирларига меҳр улашади. Демак, бу байрам мурғакликданок бола хотирасида муҳрландиган ҳодиса ва унда оила муқаддаслигига, оғанина, опасинглигини меҳр улаиши каби бардавом қадриятларига нисбатан ишонч мустаҳкамланади, инсон танаси қувватланади.
Инсон ва табиат ўртасидаги муштараклик, деҳқончилик мавсумининг бошланиши Наврўз шодиёнларида ўз ифодасини

тадбирлари ва оммавий ҳашарлар уюштириш яхши анъанага айланган.
Кўп миң йиллик тарихга эга ушбу байрам ҳақида “Авесто”да, шунингдек, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Абу Бакр Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарларида Наврўз тарихи билан боғлиқ маълумотлар келтирилади. Уларда қайд этилишича, Наврўзи байрам сифатида нишонлаш миллоддан аввалги VI-V асрларда бошланган.
Наврўз байрами ҳақида турли қадимий манбаларда ҳам баъзи маълумотлар сақланиб қолган. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: “Бу кун — фаршталар қадрайидиган кундир, чунки шу кун фаршталар яратилган. Бу кунни пайгамбарлар ҳам қадрайди, чунки шу кун куёш яратилган. Бу кунни шоҳлар ҳам қадрайди, чунки бу кун йилнинг биринчи кунидир”.
Наврўз баҳор фаслининг бошланиши, аниқроғи, тенг кунлик тантанасидир. Бошқача айтганда, Наврўз фалакиёт илими билан боғлиқ. Чунки “ҳамал”, “бурж”, “йил боши” каби тушунчалар бевосита Ер ва унинг Куёш тизимидagi ҳаракатига, вақтни белгилашга бориб тақалади. Наврўз янгиликлар, янги кун, янги ҳаёт рамзи бўлиши



билан бирга, поклик ва шодлик, маънавий ва бирдамлик кўши порлаган онлардаёқ қайтадан чирой очди. У бугун ҳаётга муҳаббат рамзи сифатида ардоқланади. Баҳор чечакларини қанотида олиб келган Ҳумо куши юрт кезганида олам ўзгача мунаввар бўлганини дилдан ҳис этмаган киши топишмаса керак.
Фасли навбаҳорга пайваста халқ маросимлари, урф-одат ва анъаналари миллий туйғуларимизни янада жўш урдиради. Шу кунни шаҳару қишлоқларимизда халқнинг сайилга чиқишини кузатсангиз, дилингиз яйрайди. Шундай дориларон кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айта-сиз.
Кези келганда шуни алоҳида қайд этиш жоизки, хоризжда ҳам Наврўз байрами ва уни нишонлашга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.
Умуман олганда, Наврўз асрлар мобайнида биз учун эзгулик тимсоли, инсон қалбида бунёдкор, ёруғ орзу-умидлар куртак оцадиган фасл бўлиб келган. Наврўзи олам Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари, яъни бутун халқимиз учун энг суюкли байрам сифатида яхши қўшничилик, ҳамкорлик, маданиятлараро мулоқотларни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Инсоний қадриятларининг муҳим қисми бўлиши билан бирга, Ўрта Шарқ, Кавказ, Ўрта ва Жанубий Осиё ҳамда бошқа минтақа халқлари учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган кунлардан бири ҳисобланади. Шу каби ўзининг ўлмас руҳи, умминсоний гоёлари билан бўлаётган ҳаётдан тобора чуқур ўрин эгаллаб келмоқда.
Зеро, Наврўзи олам тинчлик ва фаровонлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик рамзи ўлароқ, нафақат Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари, балки дунёнинг кўплав давлатлари халқларининг энг суюкли байрами сифатида қадри бўлиб қолавереди.

Минтақавий ҳамкорлик

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Минтақанинг ўзаро боғлиқлиги бизга нима беради?

Тарихи бир, урф-одат, маданият ва кадрларлари муштарак Марказий Осиё минтақаси халқлари ўртасида ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, кейинги йилларда минтақа давлатларининг умумий ички маҳсулоти 40 фоизга кўпайди. Мамлакатларимиз ўртасида савдо ҳажмининг барқарор ўсиши кузатилаётган. Масалан, товар айланмаси 2,5 баробардан зиёд ошди. Ўзаро инвестициялар ҳажми қарийб 6 марта, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими эса 45 фоиз ўсди. Бундан ташқари, ички минтақавий туризм 2 баробар фаоллашди.



тамоийллари уларни назорат қилувчилар томонидан бузилмоқда. Бундай таҳдидлардан ҳимояланишнинг самарали йўли кучларни бирлаштириш ҳисобланади.

Иккинчидан, минтақавий муаммолар вақт ўтган сайин кескинлашмоқда. Уларни бир давлат даражасида ҳал қилиб бўлмайди. Бунда биргаликдаги ҳаракатга яхши самара беради.

Учинчидан, минтақанинг иқтисодий тараққиётга хизмат қиладиган лойиҳаларни амалиётга таъбиқ этиш учун кучларни бирлаштириш керак. Бир давлат яққа ҳолда бу лойиҳаларни амалиётга таъбиқ эта олмайди. Экспертларнинг фикрича, минтақа давлатларининг товар айирбошлашда ўз имкониятларини максимал ишга солиши минтақа учун 10-20 миллиард доллар фойда келтириб, 1 миллион 200 мингдан 2 миллионгача қўшимча ишчи ўринларини ташкил қилиш имконини беради.

— Биз бу борада ҳозир қайси босқичдамиз?

— Минтақавий интеграция кўп томонлама ҳамкорликнинг юқори босқичида шаклланади. Кўп томонлама ҳамкорлик ривожланмаган мақолада минтақавий интеграция ҳам шаклланимайди. Чунки кўп томонлама ҳамкорлик натижасида минтақавий интеграциянинг асосий тамойиллари — ўзаро ишонч, умумманфаатдорлик ортади. Ўз навбатида, бу ҳамкорлик самара беради ва уни ривожлантиришга эҳтиёж кучая боради. Буни жамият ҳам, ҳукумат ҳам ҳис қила бошлайди. Бундан ташқари, минтақавий интеграция учун кўлама ва жабҳалар ҳам муҳим. Яъни турли соҳалар, турли тоифа вакиллари кесимидаги интеграция шаклланиши керак. Бу эса кўп томонлама ҳамкорлик замининда юзага келади. Ана шу мезонлар асосида минтақадаги интеграцион жараён даражасига баҳо берадиган бўлсак, Марказий Осиёда минтақавий интеграция асослари шаклланипти ёки минтақа кўп томонлама ҳамкорликнинг ривожланиши босқичида.

Навбатдаги масала — минтақамиздаги интеграция жараёнларига Афғонистонни жалб қилиш масаласига келсак, минтақавийлашув мезонларига кўра, бу мамлакатсиз минтақа имкониятлари чекланади, лекин шу ҳолатда уни интеграцион жараёнларга тортиб ҳам бўлмайди. Сабаби, унда Афғонистоннинг имкониятлари билан бирга муаммоларини ҳам баҳам кўришимиз зарур бўлади. Бу минтақа хавфсизлигига таҳдидларни келтириб чиқариши мумкин. Шундай экан, аввало, Афғонистон билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишимиз муҳим ва қўйидаги лойиҳалар истиқболли ҳисобланади.

Жумладан, биз учун энг муҳим геостратегик лойиҳа Трансафғон коридори ҳисобланади. Бу лойиҳа Афғонистондаги ижтимоий муаммолар, яъни иш ўринлари яратиш имкониятини ҳам беради. Транзитдан афғон халқи улкан фойда олади. Шу билан бирга, бунинг бутун минтақа учун геосиёсий аҳамияти шундаки, тобора мустақил қутб сифатида шаклланиётган Ҳиндистон билан боғлиқлик пайдо бўлади.

Афғонистон томонидан қурилаётган Кўштета канални бетонлаштиришда минтақа давлатларининг иштирок этиши орқали сув исрофгарчилигини кARRасига камайтириш мумкин. Шу нуқтан назардан, мавжуд ҳокимият билан муроСа орқали ҳисобланади. Ўзбекистон томонидан Қирғизистон билан чегара муаммосини бартароф этиш масаласи илгари сурилди. Йиллар мобайнида Ўзаро баҳсга сабаб бўлган ҳудудлар муроСа-мадора орқали ҳал қилинди. 2022 йил ноябрда тўлиқ келишувга эришилди. 2023 йилда эса 2009 йилдан буён ёпиқ бўлган Андижон вилоятидаги “Мингтепа” ва “Хонобод” ўзбек-қирғиз чегара божхона постлари очилди.

Бундай сазй-ҳаракатлар эса ҳатто урушгача борган Тожикистон — Қирғизистон ўртасидаги чегара муаммосини тинч йўл билан, келишувлар асосида ҳал қилиш учун туртки бўлди. 2023 йил октябрда икки давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш тўғрисидаги баённома имзоланди. Шу кунларда бу борада яна бир хушхабар тарқалди. Яъни жорий йилнинг 11-18 февраль кунлари Тожикистоннинг Бўстон шаҳрида Қирғизистон ва Тожикистон ҳукуматлари делегацияларининг чегараларни делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш яқунлари бўйича томонлар давлат чегараси чизигининг яна 1,11 километри бўйича келишиб олди.

Бундан ташқари, минтақада дипломатиясининг муҳим ютуқларидан бири ҳам турли форматлар кесимида дипломатик алоқаларни мустаҳкамлаш ва унда устуворлик минтақани яхлит ҳолда намоен этиш ҳисобланади (C5+1, Марказий Осиё+Япония, Марказий Осиё+Хитой, Марказий Осиё+ЕИ).

— Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ана шундай муҳим жараёнлар қандай натижа бермоқда?

— Назаримизда, эришилган энг муҳим ютуқ кейинги йилларда давлатлар ўртасида Ўзаро ишонч мустаҳкамлангани бўлди. Сир эмас, минтақада интеграция йўлида 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳаракат



даражасига олиб чиқиш. Қолаверса, кейинги йилларда минтақа дипломатиясининг муҳим ютуқларидан бири ҳам турли форматлар кесимида дипломатик алоқаларни мустаҳкамлаш ва унда устуворлик минтақани яхлит ҳолда намоен этиш ҳисобланади (C5+1, Марказий Осиё+Япония, Марказий Осиё+Хитой, Марказий Осиё+ЕИ).

— Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ана шундай муҳим жараёнлар қандай натижа бермоқда?


— Назаримизда, эришилган энг муҳим ютуқ кейинги йилларда давлатлар ўртасида Ўзаро ишонч мустаҳкамлангани бўлди. Сир эмас, минтақада интеграция йўлида 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳаракат

Навбатдаги ютуқ минтақада бирлашиш заруратини кўпчилик англаб бораётгани ва айнан ана шу асосда Ўзаро ҳамкорлик янада кенгайтирилади. Украина ва Россия можароси фонида дунё тартиботининг ўзгариши минтақа давлатлари сиёсий элитасини Ўзаро бирлашишга ундамоқда. Қолаверса, Ўзбекистон ташаббуси билан минтақада янги форматдаги сиёсий институт — давлат раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашуви шакллантирилиши минтақага қарши қаратилган қақирувларча биргаликда, бамаслаҳат жавоб бериш имконини яратди. Бугунги кунда ушбу сиёсий институт минтақавий интеграция шаклланиши учун имкон яратадиган ягона институт ҳисобланади.

бламиз. Мана шу йўлда янги амалий қўлашлар кўяётганимиз, жумладан, қўшни давлатларнинг раҳбарлари билан олиб бораётган музокараларимиз бунинг амалий тасдиғидир”, деган фикрлари Ўзбекистоннинг минтақавий интеграция масаласида собитқадам эканидан далолат беради.

Бундай очиқлик сиёсати истиқболда ҳам давом этиши белгиланмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида Марказий Осиёда халқаро ҳуқуқ ва минтақадаги барча давлатлар миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштириш масаласи илгари сурилган.

Бундан ташқари, минтақада дипломатиясининг муҳим ютуқларидан бири ҳам турли форматлар кесимида дипломатик алоқаларни мустаҳкамлаш ва унда устуворлик минтақани яхлит ҳолда намоен этиш ҳисобланади (C5+1, Марказий Осиё+Япония, Марказий Осиё+Хитой, Марказий Осиё+ЕИ).



“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида Марказий Осиёда халқаро ҳуқуқ ва минтақадаги барча давлатлар миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштириш масаласи илгари сурилган.

қилиб келинади. Аммо яқин йилларгача давлатлар ўртасида айнан ўзаро ишонч бўлмагани, бир-биридан ҳадиксираш оқибатида маълум жабҳаларда бир-бирини тўлдирувчи эмас, рақобатчига айланиш тенденцияси устуворлик касб этиб келаётган эди. Бугун эса вазият ўзгарди. Давлат раҳбарларидан бошлаб, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосигача қўшниларнинг потенциал рақиб эмас, балки муҳим ҳамкор деб қараб, муносабатлар шу қараш асосида янги-чар тарзда йўлга қўйила бошланди. Бу эса мавжуд муаммоларни учинчи томоннинг аралашувисиз Ўзаро ҳал қилиш имконини бермоқда.

Масалан, чегара муаммосини олайлик. Ўзбекистон томонидан Қирғизистон билан чегара муаммосини бартароф этиш масаласи илгари сурилди. Йиллар мобайнида Ўзаро баҳсга сабаб бўлган ҳудудлар муроСа-мадора орқали ҳал қилинди. 2022 йил ноябрда тўлиқ келишувга эришилди. 2023 йилда эса 2009 йилдан буён ёпиқ бўлган Андижон вилоятидаги “Мингтепа” ва “Хонобод” ўзбек-қирғиз чегара божхона постлари очилди.

Бундай сазй-ҳаракатлар эса ҳатто урушгача борган Тожикистон — Қирғизистон ўртасидаги чегара муаммосини тинч йўл билан, келишувлар асосида ҳал қилиш учун туртки бўлди. 2023 йил октябрда икки давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш тўғрисидаги баённома имзоланди. Шу кунларда бу борада яна бир хушхабар тарқалди. Яъни жорий йилнинг 11-18 февраль кунлари Тожикистоннинг Бўстон шаҳрида Қирғизистон ва Тожикистон ҳукуматлари делегацияларининг чегараларни делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш яқунлари бўйича томонлар давлат чегараси чизигининг яна 1,11 километри бўйича келишиб олди.

— Минтақавий интеграцияни таъминлашда Ўзбекистон омилига қандай баҳо бераёсиз?

— Президентимизнинг “қўшниларимиз билан рақобат эмас, ўзаро манфаатли ҳамкорлик” деган концептуал ғояси мамлакатимиз қўшнилар билан ҳамкорлигининг янги босқичини бошлаб берганини алоҳида қайд этиш жоиз. Айнан шу ғояни моддий қулға айлантириш учун давлатимиз раҳбари минтақадаги барча республикаларга давлат ташрифларини амалга оширди. Умуман, Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликка либерал ёндашиб, тадрижий ривожланиш, умумманфаат устуворлиги тарafdори сифатида прагматик сиёсатини олиб бормоқда. Президентимизнинг “Қўшнимизнинг ютуғи — бу бизнинг ҳам ютуғимиз. Уларнинг тинч ва фаровон ҳаёти — бутун минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг гарови деб



лик билан давом этишини намоен қилади. Эндиликда бу жабҳадаги ишларни тизимли давом эттириш ва янги босқичга кўтариш учун интеграцияга тўсиқ бўлаётган муаммоларни чуқур ўрганишимиз лозим. Зеро, интеграциянинг мураккаблиги унинг ҳар бир минтақага хос бўлган муҳим асоси мавжудлигида ва ана шу асосга таяниб, стратегия ишлаб чиқиш ва сиёсат юритишда ҳисобланади.



носабатларини чуқурлаштириш масаласи илгари сурилган.

2024 йил учун мўлжалланган давлат дастурида ҳам Марказий Осиё минтақасида амалий ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш вазифаси белгиланган. Буларнинг барчаси Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликдан манфаатдорлигини, бу йўналишда очиқликка ва ўзаро ишонч, дўстлик, ҳамкорликка асосланган сиёсий фаолияти бундан кейин ҳам изчил-

носабатларини чуқурлаштириш масаласи илгари сурилган. 2024 йил учун мўлжалланган давлат дастурида ҳам Марказий Осиё минтақасида амалий ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш вазифаси белгиланган. Буларнинг барчаси Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликдан манфаатдорлигини, бу йўналишда очиқликка ва ўзаро ишонч, дўстлик, ҳамкорликка асосланган сиёсий фаолияти бундан кейин ҳам изчил-

лик билан давом этишини намоен қилади. Эндиликда бу жабҳадаги ишларни тизимли давом эттириш ва янги босқичга кўтариш учун интеграцияга тўсиқ бўлаётган муаммоларни чуқур ўрганишимиз лозим. Зеро, интеграциянинг мураккаблиги унинг ҳар бир минтақага хос бўлган муҳим асоси мавжудлигида ва ана шу асосга таяниб, стратегия ишлаб чиқиш ва сиёсат юритишда ҳисобланади.

Қизиги шундаки, минтақадаги муаммолар ҳам интеграция учун асос бўла олади. Масалан, Европада кўплаб урушларга сабаб бўлган ресурслар (пўлат ва кўмир) Европа интеграцияси асоси бўлди. Давлатлар ўртасидаги доимий курашлар ва баҳсларга сабаб бўлган бу ресурслар интеграция учун жиддий қадам ташлашга замин яратди.

Назаримизда, бизда ҳам худди шундай асос сифатида сув, газ ва электр энергиясини олиш мумкин. Хўш, улар қандай қилиб асос бўла олади? Ана шуни таҳлил қилсак.

Биринчидан, юқоридаги ресурслар минтақани боғлайди. Улардан рационал фойдаланиш бир давлат кесимида ҳал бўлмайди. Бундан ташқари, ушбу ресурслардан фойдаланиш масаласи вақт ўтган сайин долзарблашиб бормоқда. Қолаверса, бу ресурслар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бири иккинчисини тақозо қилади.

Энди илгари сураётган ғоямизни очиқласак. Минтақадаги сув захираларининг 90 фоизга яқини Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларида шаклланади. Улар сувдан, асосан, электр энергияси ишлаб чиқишда фойдаланади. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон учун эса қишлоқ хўжалигида жуда зарур. Бунинг учун Қирғизистон ва Тожикистон электр йўқотишларини қоплаш учун Туркменистонга газдан фойдаланиб, Ўзбекистон ИЭСлари кўпроқ электр энергия ишлаб чиқиб, қиш мавсумида Тожикистон ва Қирғизистонга етказиб бериш мақсадга мувофиқ.

Ёки Туркменистон газ хомашисининг Ўзбекистон завоdларида қайта ишлашни ташкил этиш учун етказиб берилиши икки давлат учун ҳам манфаат олиб келади. Худди шундай, Қозоғистон нефтини ҳам қайта ишлаш мумкин. Ана шу тарзда минтақадаги муҳим ресурслардан биргаликда, рационал фойдаланиш давлатларни

бирлаштирилади, минтақавий интеграцияга асос солади. Муҳими, бундай формуладан ҳамма манфаатдор бўлади. Бу жараёнга босқичма-босқич Афғонистонни ҳам жалб қилиш мумкин.

Умуман олганда, бугунги кунда минтақавий интеграцияни шакллантириш учун ноёб имконият вужудга келди. Бу, аввало, дунёда кечаётган геосиёсий вазият билан боғлиқ. Яъни ҳозиргача минтақа интеграциясига тўсиқлик қилиб келган йирик геосиёсий кучлар муаммолар гирдобида Ўзаро курашмоқда.

Иккинчидан, тобора долзарблашиб бораётган минтақавий муаммоларнинг ечимини йўлида ҳам дилема вужудга келди. Яъни бирлашиб, уларни ечимиз ёки вазиятимизни янада чағалаштириб бораверамиз. Шундай экан, вақтдан унумли фойдаланиш муҳим. Минтақавий интеграция учун жиддий қадамлар ташлаш зарур. Бу борада 2024 йил ҳал қилувчи йил бўлиши лозим.

Марказий Осиёда сув хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳамкорликдаги илмий-амалий лойиҳаларни йўлга қўйиш ҳамда уларни молиялаштириш бўйича халқаро грантларни жалб қилиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифа.

Ишончимиз комилки, тарихан ҳамкор ва ҳамнафас яшаб келган минтақамиз халқлари бугунги мураккаб геосиёсий вазиятда келажак тақдиримизни белгилайдиган бундай долзарб вазифалар ечимини йўлида ҳамжихатлик, яқдиллик кўрсатиб, келгуси авлодларимиз тинч, фаровон ва гўзал заминда, аҳил-иноқ, бахтли яшаши учун бугун мустаҳкам пойдевор қўйишга эришади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди.



АГРОЭЛЕКТРИК ҚУЁШ ПАРКИ

2050 йилга бориб, энергия эҳтиёжининг 45-50 фоизи унинг ёрдамида таъминланиши кутилмоқда



Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Тахлилларга кўра, юртимизда қуёш ва шамол энергияси салохияти электрга бўлган ҳозирги эҳтиёжни 10-12 баробар ортири билан қоплашга етади. Фақат бунинг учун мавжуд имкониятни ишга солиш керак. Охириги йилларда нафақат саноат тармоқлари ва корхона-ташкилотлар, балки аҳоли хонадонларида ҳам қуёш панелларидан фойдаланиш кўлами ортиб бораётганини соҳага жиддий эътибор қаратилаётгани билан изоҳлаш мумкин. Деярли барча вилоятларда замонавий қуёш ва шамол электр станциялари барпо этиляпти.

“Яшил” энергия манбаларини барпо қилиш бўйича катта дастурлар бошланган. Хусусан, бундан аҳоли манфаатдорлигини ошириш мақсадида “Қуёшли хонадон” дастури жорий қилинди. Унга кўра, қуёш панели ўрнатган аҳолидан ҳар 1 киловатт электрнинг сўмидан сотиб олиш тизими йўлга қўйилди. Ҳозир 11 мингта яқин хонадон эгалари бу имкониятдан самарали фойдаланмоқда. Дунёнинг кўпбал давлатлари “яшил” иқтисодиётга ўтиш ҳаракатида. Бу ҳозиргача биз фойдаланаётган ва экология, атроф-муҳитга жиддий зарари таъсир кўрсатаётган ёқилги манбаларини ўрнини табиий, экологик тоза, энг муҳими, қайта тикланадиган манбалар билан алмаштиришга қаратилган ҳаракатдир. “Яшил” энергия куватларини кўпайтириш бунинг бир қисми. Шу боис, жорий йилнинг 28 февраль кунини давлатимиз раҳбари бошчилигида қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш бўйича устувор

вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда мазкур йўналишда янги вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, ичимлик суви таъминоти каби энергия сарфи юқори бўлган соҳаларда қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш ишларини жадаллаштириш топширилди. Жорий йилда юртимизнинг 6 та туманида амалга оширилиши режалаштирилган агровольтаика усулидаги пилот лойиҳа шулар жумласидан. Бу қишлоқ ҳўжалиги ерларида қуёш панелларини ўрнатишга қаратилган лойиҳа бўлиб, айни пайтда бу бўйича хорж тажрибаси ўрганилмоқда.

— Агровольтаика ёки “қуёш фермалари” қишлоқ ҳўжалиги ерлари ёки тўғридан-тўғри экинлар, боғлар устида қуёш панелларини ўрнатиш орқали ҳам электр энергияси ишлаб чиқарадиган, ҳам экинларни ноқулай об-ҳаво, қуёшнинг зарарли нурларидан ҳимоя қилиб, уларнинг соғлом ўсиши учун қулай шароит яратиб берадиган комбинацияланган тизимдир, — дейди Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бош мутахассиси Баҳром Юсупов. — Бунда ўсимликлар ёруғлик энергиясининг атиги 10 фоизини талаб қилади, қуёш нурларининг қолган қисми эса электр энергияси ишлаб чиқаришга сарфланади. Агровольтаика мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги учун янги усул бўлиб, уни ривожлантириш тарғом ва экологик барқарорлигини таъминлашнинг муҳим истиқболли имкониятларидан бири ҳисобланади. “Агровольтаика” сўзи ўзбекчада “агроэлектрик қуёш парк” ёки “агроэлектрик майдон” деган мазмунни беради. Ҳисоб-китобларга кўра, юртимизда 10 гаваттли агровольтаика салохияти мавжуд. Бу диёримизда муқобил иқлим шароити ҳамда деярли йил бўйи беминнат нур сочиб турувчи қуёш энергияси мавжудлиги билан боғлиқ.

Камхарж ва тежамкор

Яқинда интернет тармоғида бир маълумотга кўзим тушди. Унда ёзилишича, 2023 йилда Европа Иттифоқи рекорд миқдордаги қуёш панеллари ва шамол турбиналарини ўрнатиб, тўғонлар ва атом электр станцияларидан кўра кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқаришга муваффақ бўлибди. Бунинг ҳисобига ҳавога карбонат ангидрид қушинг аввалги йилдагига нисбатан 8 фоиз камайган. Қайд этилишича, бу сўнгги 60 йилдаги энг паст кўрсаткичдир.

Дунё мамлакатлари “яшил” иқтисодиёт томон дадил ҳаракатланмоқда. Чунки вазият алақандон шуни тақозо этияпти. Икбал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ бир неча ўн йиллик тахминлар бутун реалликка айланди ва одамзод уни бошдан кечирмоқда. Ҳаёо флосифияси билан боғлиқ кунлик статистик маълумотлардан тортиб, бунинг оқибатида

юзига келаятган сув тақчиллиги, қурғоқчилик, озиқ-овқат етишмовчилиги бир эмас, ўнлаб мамлакатларга хавф солмоқда. БМТнинг ҳисоботига кўра, 2050 йилга бориб, жаҳон аҳолиси сони салкам 10 миллиардга етади. Демографик ўсиш, табиийки, инсониятга янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқаради. Улар орасида энергия муаммоси ҳам бўлиши табиий. Қизиги, бу муаммонинг муқобил ечимлари бошқа мушкулотларни-да бартараф этиши мумкин. Бу, албатта, қайта тикланадиган энергия манбалари кўламини ошириш билан боғлиқ. Бир тасаввур қилинг, шамол генератори, қуёш панеллари, электр токида ҳаракатланадиган транспорт воситалари экологик муҳитни асрашимизга қанчалик катта ҳисса қўшади.

Бундай зарурат қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам мавжуд. Яъни муқобил энергия манбалари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги қийинчиликларни бартараф этишга кўмаклаша олади. Илм-фан ва инновацион технологиялар уйғунлиги бунга йўл очмоқда. Биз юқорида тилга олган агровольтаика усули шулардан бири. Технологиянинг ўзига хослиги шундаки, ўрнатиладиган қуёш панеллари электр энергияси ишлаб чиқаришдан ташқари унинг остидаги ҳудудлардан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

— Агровольтаика энергия ва озиқ-овқат ишлаб чиқариши битта ер участкасида бирлаштирувчи усул ҳисобланади, — дейди

нинг учун панеллар орасидаги зичлик ўта юқори бўлмалиги керак. Айниқса, экинлар етарли қуёш нури олиш учун панеллар орасидаги бўшлиққа муҳтож. Панеллар шаффофлиги туфайли қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ерлар, масалан, дала ва иссиқхоналарни бутунлай қоплаб олиши мумкин. Бунда ўсимликларнинг пастки қисмини қоронғилик билан тўсиб қўймайди, табиий яшаш муҳитини бўзмайди ёки атроф-муҳитга зарар етказмайди. Далаларга қуёш панелларини ўрнатиш ўсимликлар учун соя ва ҳимояни таъминлайди, бу, айниқса, юқори ҳарорат ва қуёш нурларини экинларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иссиқ ҳудудларда муҳим. Бундан ташқари, ундан фойдаланиш қишлоқ ҳўжалигида сув сарфини камайтириши мумкин, чунки буғланиш камайтириш ва тупроқдаги намлик узоқ вақт сақлаб қолинади. Асосийси, ушбу қурилма экологик тоза энергия манбаи бўлиб, ҳеч қандай иссиқхона газларини чиқармайди. Қолаверса, қуёш панеллари деҳқон ва фермерларнинг энергия харajatларини сезиларли камайтиради. Улар фермер ҳўжаликларидан қуёш панеллари томонидан ишлаб чиқаришган электр энергиясидан ёруғлик, совитиши ёки сугоритиш технологияларини қўллаш каби эҳтиёжлари учун фойдаланиши мумкин.

Агровольтаик панеллар ўрнатиш ҳеч қандай геотехник ишларни талаб қилмайди. Аксинча, қуёш панеллари деҳқон ва фермерлар



Баҳром Юсупов. — Содда қилиб айтганда, қуёш панеллари остидаги сояли жойлардан экин ўстириш ёки чорва моллари учун майдон сифатида фойдаланиш мумкин. Шу-

малардан фойдаланиш нафақат аҳоли, балки мамлакат иқтисодиёти учун ҳам фойдали. Шу боис, Япония 2012 йилда агровольтаикалар учун махсус имтиёзларни жорий қилган биринчи давлат бўлди. Кейинчалик Франция, Хитой, АКШ ва бошқа кўплаб мамлакатларда шунга ўхшаш тизимлар татбиқ этила бошлади. Юртимизда ҳам кейинги йилларда муқобил энергия ҳосил қилувчи қурилмаларни ўрнатишга талабдорларга кўплаб имтиёзлар, субсидиялар ажратилаяпти.

малардан фойдаланиш нафақат аҳоли, балки мамлакат иқтисодиёти учун ҳам фойдали. Шу боис, Япония 2012 йилда агровольтаикалар учун махсус имтиёзларни жорий қилган биринчи давлат бўлди. Кейинчалик Франция, Хитой, АКШ ва бошқа кўплаб мамлакатларда шунга ўхшаш тизимлар татбиқ этила бошлади. Юртимизда ҳам кейинги йилларда муқобил энергия ҳосил қилувчи қурилмаларни ўрнатишга талабдорларга кўплаб имтиёзлар, субсидиялар ажратилаяпти.

Ҳар қандай ҳароратда ишончли ҳимоя

Деҳқон ёки фермерлар билан суҳбатлашганда, уларнинг қуёш панелларини ўрнатишга қизиқиши ортиб бораётганига ғувоҳ бўламиз. Аксариятини ушбу қурилмалар арзон ва экологик тоза энергия манбаи экани, умумий зам электр токи олиш имконини мавжудлиги қизиқтиради. Ахир, дала майдонларида ҳам электр токига эҳтиёж катта — фойдаланиладиган қурилмаларнинг кўпи электрга ишлайди. Шу боис, юртимиздаги қишлоқ ҳўжалиги ерлари, фермер ҳўжаликларидан ҳам қуёш панелларини ўрнатиш бошланган. 2022 йилда буни ўз фаолиятида биринчилардан бўлиб жорий қилган фермер ҳўжалиги ҳақида ёзган эдик. Қизилхана вилояти Бахмал туманидаги “Bakhtal fruit growing” фермер ҳўжалиги электр энергияси таъминотида юзига келадиган тез-тез узиллишлар сабаб аввалига қуввати 3 киловаттлик шамол генератори, 2022 йил март ойида эса қуввати 5 киловатт бўлган кичик қуёш фотозлектр станцияси қурилмасини ўрнатганди. Ушундан қурилма ҳўжалик учун зарур электр токи узлуксизлигини таъминлаш баробарида истеъмол қилинган электр токи тўловлари камайтиришга ҳам олиб келган.

“Очиги, бу қурилмаларни ўрнатиш ҳақида анча аввалдан ўйлаб юрардим. Технология юртимиз шароити учун янги бўлгани боис, самарадорлиги борасида хавотир ва иккиланмишларим бўлган. Аммо шамол генератори ишлай бошлагач, барча шубҳаларим йўқолди. Қурилмалар нафақат ҳўжаликни узлуксиз электр энергияси билан таъминлашда, балки моддий томондан ҳам фойда келтиряпти. Улар энергия харажатини 10-15 фоиз қисқартирди”, деганди “Bakhtal fruit growing” фермер ҳўжалиги раҳбари Олим Назаров.

Одамлар қуёш панеллари ёрдамида электр токи олишга одатий ҳол сифатида қараб бошлади. Асосийси, экологик тоза, “яшил” энергияга ўтиш жараёни фаолашяпти. Энди агровольтаика усулини жорий қилишда ҳам шундай фаолиқ талаб этилади.

Маҳалланинг бир куни

ТАШҚАРИДА АЯМАЖИЗ — ИЧКАРИДА КЎКЛАМОЙ

Айни кунларда янгиланиш ва яшариш фасли — баҳор ўзи кетса ҳам изгиринли аёзи кетмаётган қиш билан астойдил хайрлашиб, яшиллик ва яратувчанликнинг бор гўзаллигини замин узра сеп қилиб ёйишга интилмоқда. Бир қарич ерга уруғ қадаётган, ҳар бир ниҳол ва кўчатини кўз қорачиғидек асраб, бутун меҳрини ерга бераётган омилкор деҳқон эса дала юмушларини адо этишга киришган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан Тошкент тумани Сабзавот маҳалласига уюштирилган пресс-тур жараёнида бунга ўзимиз ҳам амин бўлдик. Тўрт ярим гектар ерда голланд лолалари ва атиргуллари экилган иссиқхонага кириб борар эканмиз, ранг-баранг гуллар ифорида навбахорнинг ҳақиқий нафасини ҳис қилдик. Ташқарида аямажиз, ичкарида эса дилни энтиктирувчи кўкلامой бор тароватини намойиш қилиб, ястаниб ётгандай.

— Иссиқхонамиз 2016 йилда қурилган. Бу ерда Нидерландиядан келтирилган ноёб лолалар етиштирилади, — дейди иссиқхона агрономи Алжон Аҳмаджонов. — Бу турдаги лолалар бекис гўзаллиги билан дунёда эътироф этилган. Утган тўрт юз йил давомида нидерландияликлар бу гулларни етиштиришда ақл бовар қилмас натижаларга эришган. Айнан улар ҳозирги вақтда ҳам сайёрамиздаги асосий лола етказиб берувчилардир. Шунинг учун ҳам биз Нидерландиядан турли лола

пиёзларини олиб келдик. Уч йилдан буён уларнинг 40 дан зиёд турини етиштиряпмиз. Лола пиёзи ерга қадалгач, 4 ойда гунча ҳолига келади. Экилаётган пиёз соғлом, чирмаган, бутун бўлиши лозим. Лола пиёзи зах бўлмаган, сув шимувчи, яхши ўғитланган юмшоқ ерга экилади. Қадалгандан сўнг кўп сув ва ўғит талаб қилмайди, касалликка чидамли. Ҳозир бу гулга талаб жуда катта. 3 ҳафтагача сақлаш ва узоқ масофага ташини мумкин. Биринчи йил ушбу гуллар сонини юз, иккинчи йил икки юз, бу йил беш юз мингтага етказиб, йилдан-йилга кўпайтириб боришни режалаштиряпмиз. Энг асосийси, кўриб турганингиз, кўзни қувнатган бу лолалар баҳорда нишонланажак байрамларга энг муносиб совға бўлади. Йилнинг тўрт фаслида ҳам ифори оламни тутадиган гуллардан тортиб, турли тропик меваларни етиштираётган ушбу ҳўжаликнинг иш бошлаганига яқинда уч йил бўлади. Иссиқхонада айни пайтда иш жараёналари



қизгин, ишчиларнинг қўли-қўлига теғмайди, сабаби — баҳорий айёмлар яқин. Лола ва атиргуллар ифорида баҳра олиб, қучоқ-қучоқ гуллар билан суратларга тушар эканмиз, ён-атрофимиздаги бошқа иссиқхоналарда етиштирилаётган қулупнай ва лимон сингари сархил мевалардан татиб кўришни ҳам унутмадик. Танга деҳқонларимиз идиш тўла қулупнайларни олдимизга териб қўйди.

— Бугунги кунда Тошкент туманида 151 гектар ерда 80 та иссиқхона ҳўжалиги бор. Гулчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2021 йил 4 августдаги “Республика ҳудудларида гулчилик ва кўчатчилик соҳаларини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлаётди, — дейди Тошкент тумани ҳокими матбуот котиби Дилафрўз Исмомилова.

Сабзавот маҳалласи деҳқонлари ички бозорлардаги нарх-наво барқарорлигини таъминлаш баробарида яхшигина даромад ҳам топмоқда. Иссиқхонада миришкорларнинг қулупнай етиштириш тажрибалари билан танишдик. — Қулупнай иштаҳа очадиган, ҳазмини меъёрлаштирадиган неъмат. Унинг бошқа шифобахш хусусиятлари ҳам бор. Жумладан, хотирани яхшилаб, кўриш қобилиятини

— Аввало, “агроэлектрик майдон” қурғоқчиликдан зарар кўраётган ҳудудлар учун муҳим аҳамиятга эга, — дейди Баҳром Юсупов. — Боиси, жазирама иссиқда ҳам қуёш батареялари остида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконияти мавжуд ва панеллар экинни қуёш ҳамда ультрабионафша нурдан ҳимоялайди. Қолаверса, мазкур инновацион усулни эркин иқтисодий зоналардаги йирик майдонларда ташкил этилган иссиқхона комплекс ҳўжаликлари, аҳоли яшаш пунктларидан узоқда жойлашган, электр ва сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда ташкил қилинган фермер ҳамда деҳқон ҳўжаликлари, тоғ ёнбағирлари, адирлардаги узумзор ва мевазорлар, иссиқхона ҳўжаликларидан ташкил этишга зарурат бор. Электр таъминотида тез-тез узиллишлар бўладиган ёки электр таъминоти оғир, аҳоли зич жойлашган ва аҳолининг кўп қисми томорқасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан банд бўлган ҳудудлар ҳам шулар жумласидан. Яъни биз дастлабки босқичда ана шундай ер майдонларини танлаб оламиз. Кейинчалик юртимизнинг барча ҳудудларида ушбу усулни жорий этиш режалаштирилган. Умуман, бу борада барча илмий ва ҳуқуқий асосларни яратиш мақсадида Президентнинг “Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларда ва қуввати 1-20 МВт бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги электр станцияларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ҳам тайёрланган.

Агровольтаика чиндан янгича ва замонавий усуллардан бири. Аммо бу жуда мукаммал усул, барча камчилик ва муаммолардан холи, дейиш қийриндан йироқмиз. Агровольтаика ўрнатишда ҳам айрим муаммолар мавжуд ва шулардан энг асосийси — чанг миқдори. Мутахассиснинг тушунтиришича, панеллар юзасига чанг зарралари кўниши натижада узоқ берадиган чангланган самарадорликка салбий таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири. Афсуски, географик жойлашувимиз, асосан, текисликлардан иборат рельеф бўлгани боис, юртимиз иқлимидега чанг зарралари кўп. Панеллар ўрнатишган локация атрофида қишлоқ ҳўжалигига доир ишлар ёки автомобил тўраларининг жойлашуви чангланган даражасини белгилайди. Агар ушбу мавзидега енгил шамол эса, чангланган даражаси ҳам юқори бўлади. Кучли шамол юзларини чангдан тазолаши эвазига чангланган миқдорини камайтиради. Шу сабабли фотозлектр қуёш панелларини ўрнатишда атроф-муҳит ва чангнинг хусусиятлари инобатга олинади.

Бундан ташқари, панеллар юзасида профилактик тазолаш ишларини амалга ошириш лозим. Яна бир ечим сифатида панеллар юзасини гидрофоб ва чангдан ҳимояловчи шаффоф қатламлар билан ҳимоялаш тавсия этилади. Чангли об-ҳаво шароити, хусусан, ёз фаслида бир ойда 1-2 марта юзасини артиб туриш лозим.

Қиш ойлари эса қуёш панелларида у қадар зарар еткази олмайдми. Гап шундаки, қор панел юзасига ўрнатиш қилиши ҳоллари Ўзбекистон шароитида ҳам кузатилади. Бунда оддий усуллар билан тазолаш мумкин. Қор эримайдиган ҳолларда ҳам қуёш батареясига сезиларли зарари бўлмайди. Фақат қорнинг ёруғлик ўтказувчанлиги юқори бўлгани учун станциянинг кўпи билан 15-20 фоиз қувватини камайтириши мумкин. Ёгингарчилик бўлган фаслларда панеллар юзаси чанглардан табиий равишда тазолашиб, ювилиб туради. Чунки панеллар ёгингарчиликлардан ҳимояловчи махсус қопламалар ҳамда мустақкам сув ўтказувчанликка эга.

Умуман, ҳозирги кунда қуёш энергетикаси қайта тикланадиган энергиянинг энг истиқболли манбаларидан бирига айланган. Халқаро энергетика агентлиги экспертлари ҳисоб-китобига кўра, 2050 йилга бориб, инсоният энергияга эҳтиёжининг 45-50 фоизи қуёш энергияси ёрдамида таъминланиши кутилмоқда. Демак, яқин йилларда барча соҳаларда қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланилади.

оширади ва қондаги қанд миқдорини меъёрлаштиради. Таркибидеги антиоксидантлар организмни эрта қаришдан ва жиддий касалликлардан ҳимоя қилиб, саратоннинг олдини олади, — дейди Сабзавот маҳалласи фаоли Моҳира опа Раҳимова биз билан суҳбатда. — Шунинг учун маҳалламиздаги деярли ҳар бир хонадон томорқасида қулупнай экилади.

Туман ва пойтахт бозорларини йилнинг тўрт фаслида тўлдириб турадиган қулупнайнинг кўпини Сабзавот маҳалласи миришкорлари етиштиради. Агар шу кунларда мазкур ҳудудга йўлнинг тўша, маҳаллий аҳоли иссиқхонада ҳосилни териб олаётгани устидан чиқсан. Иссиқхонадаги иш эса йил бўйи тўхтамайди. Қулупнайнинг айни “илик узилди” пайтида маҳаллий бозорларга етказиб берилиши қувонarli. Мухими, бу орқали кўплаб оилалар бандлиги таъминланган.

Сўнгги манвиллимиз Тутзор маҳалласида истиқомат қилувчи тадбиркор Сабиха Каримова хонадон бўлди. Опанинг айтишича, тандирда сомса ёпиш — онамерос касб. 4 фарзанднинг онаси, 11 невар ва бир чеварани буйиси Сабиха опа тандирдан эндигина узилган кўк сомсаларни олдимизга қўяр экан, янгиланиш фаслининг илк кунларида ховури чиқиб турган сомсаларга ризикими қўшилигани ҳам бир ҳикмат эканини таъкидлади. Кун давомида Тошкент туманидаги бир неча иссиқхонада бўлиб, у ерда ишлаётганларнинг қувонч ва ташвишларини ўрганар эканмиз, кўнлимиздан бундай гаплар кечди: меҳнат қилган элда азиз.

Гуличехра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугуннинг гапи

ИНСОНЛАРВАР ТАЪЛИМ

Ўқитувчи меҳнати натижаларда кўринади

Феруза ҚОДИРОВА,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Имконияти чекланган болаларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш, уларнинг оиладан узоқлашмаган ҳолда инклюзив муҳитда ўқиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласи ҳар бир давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Мамакатимизда ҳам ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш орқали ихтиомий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бугун республикамизда таълимга жалб этилмаган боланинг ўзи йўқ. Ҳатто Мурувват уйларидаги болалар ҳам ўзига хос таълим-тарбия билан қамраб олинган.

20 февраль куни Президентимиз раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида имконияти чекланган болалар борадиган 112 та мактаб ва 74 та мактабгача таълим ташкилотидagi таълим дастурини қайта кўриб чиқиш, мактабларни инклюзив таълимга мослаштириш дастурини амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Қачон икки қадам олдинлаймиз?

Маълумки, амалиётда ногирон болаларнинг соғлом тендошлари билан биргаликдаги таълими мавжуд бўлган. Аммо бу жараёнда мақсадли тайёргарлик, махсус ёндашув йўқ эди.



2005 йилдан мақсадли таълим-синов ишлари лойиҳалар шаклида бошланиб, АКШ, Англия, Россия, Туркия, Япония таъриблари таҳлил этилган. Дастлабки таърибаларда Қорақалғонiston Республикаси ва Хоразм, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида яшовчи имконияти чекланган 700 нафар бола умумтаълим мактабларига жалб этилган. Таълим муваффақиятли бўлиши учун 800 дан зиёд ўқитувчи махсус тайёргарликдан ўтган. Бу жараёнда оилалар иштирокчини таъминлашга мўлжалланган тадбирлар ҳам ташкил этилган.

Шундан сўнг “Қаерда оила масъулият билан жараёнда тизимли иштирок этса, шу ерда икки қадам олдинлаймиз. Қаерда оила қатнашмаса, педагогнинг иши оилада давом этмаса, эришилган натижа ҳам исзис йўқолади”, деган қатъий ҳулосага келганмиз. Шу маънода, Чирчиқ давлат педагогика университетига таълим кластери доирасида инклюзив таълимнинг ҳар бир иштирокчиси учун вазифани аниқ мўлжаллар асосида белгилашга эътибор қаратамиз.

Ушбу лойиҳамиз яқинда бўлиб ўтган “Инклюзив таълим: эришилган натижалар ва келгуси режалар” мавзусидаги халқаро анжуманда алоҳида эътироф этилди ва таъриб сифатида тан олинди.

Инклюзив таълимни эртароқ бошлаш керак

Айтайлик, оилада имконияти чекланган бола дунёга келди. Бу ҳолатда ота-онани ёлғиз қолдирмаслик вазиетни энгиллаш-



тиради. Биз, ўқитувчилар, амалиётчилар, психологлар бола инклюзив таълимга қанчалик барвақт жалб этилса, шунча яхши бўлишини бу оилга тушунтиришимиз керак. Шундоқ ҳам бундай болаларни ота-оналари 7 ёшгача авайлаб, уйда олиб ўтиради, кейин ўзига ўхшаган болалар билан бирга ўқитиш учун махсус мактабга олиб келади. Фарзанди махсус мактабни битирганидан кейин ҳам фақат ўзига ўхшаганлар билан мулоқотга ошиқади.

Маъзур ҳолатдан келиб чиқиб, жамиятга шунини синдиришимиз керакки, бола қанчалик барвақт инклюзивлаштирилса, яъни маҳаллада болалар билан бирга ўйнаса, бирга тадбирларга қатнашса, унда соғлом болалардан-да кучлироқ жиҳатлар намоён бўлиши мумкин. Қолаверса, бола миллий қадриятларини ҳам англай бошлайди. Шунинг учун уни беркитиб олиб ўтиришдан наф йўқ. Соғлом болалар борадиган боғчага борса, ўз-ўзига хизматни, гигиеник кўникмаларини

қийналган ота-оналарга бепул хизмат

Қийналган ота-оналарга бепул хизмат

Инклюзив таълимга кадр тайёрлашда назария ва амалиёт бирлиги муҳити муҳимдир. Шундай муҳитни яратиш мақсадида Инклюзив таълим лабораторияси ташкил этилди. Лаборатория университет қошида фаолият юритувчи “Инклюзив таълим республика маркази” негизида очилган. Унда мактабгача ёшдаги қулоғига кохлеар имплант ўрнатилган, аутизм синдромли, руҳий ривожланиши сустлашган, ақлий ривожланишида муаммолари мавжуд болалар билан машгулотлар олиб борилади.

Энг муҳими, бу ерда мутахассис ёллашга қийналган ота-оналар учун бепул хизмат кўрсатилади. Бунда “Устоз-шогирд” ёндашув асосида марказнинг илмий маслаҳатчиси томонидан ҳар бир бола билан олиб бориладиган машгулотлар учун “Индивидуал таълим” дастури ишлаб чиқилади. Талабалар шу дастур асосида болалар билан ишлайди. Ота-оналар эса жараёни кузатади, чунки улар уйда боласи билан ишни давом эттириши керак бўлади.

“Профессионаллар пирамидаси” ва “Болалар сайёраси” талабаларни тоблаяди

Бугунги кунда университетимизда “Индивидуал таълим — сифат гарови” шioriга асосланган муҳитни яратишга эътибор қаратилган. Бунда ҳар бир талаба диагностикадан ўтказилиб, уларнинг имкониятлари таҳлил этилади. Яъни уларда аниқланган бўшлиқларни тўлдиришга йўналтирилган индивидуал ривожланиш дастури тузилади.

Бундан ташқари, талабалар учун лойиҳалар ташкил қилинган. Масалан, “Чегарасиз имкониятлар” лойиҳасида ногирон талабалар учун касбий ривожланиш муҳити яратилади. Бунда улар ўзларини педагогик фаолиятга тайёрлаб бориши асосида эртага урдалай оламани, деган шубҳаларини аста-секин йўқотади.

Шунингдек, “Болалар сайёраси” худуди ташкил этилган. Бу худудда болали талаба қизларнинг фарзандлари билан машгулотлар ўтказилади. Дарсларни волонтер талабалар олиб боради. Бунда болаларнинг нутқи, мантйқий фикрлаши, жисмоний ривожланишига оид муаммолари ўрганилади, коррекция ишлари қилинади. Энг муҳими, талабалар яратган методикалар шу ерда синовдан ўтади.

“Профессионаллар пирамидаси”да “Устоз-шогирдлар” гуруҳи иш олиб боради. Бунда устоз — профессорга 4 нафар шогирд — ёш тадқиқотчилар, тадқиқотчиларга эса 4 нафар магистрант бириктирилади. Магистрантларнинг ҳар бири 4 нафардан бакалавр бошқичидаги талаба билан ишлайди. Инклюзив таълимнинг энг долзарб муаммолари ушбу илмий жамоанинг фаолияти орқали ҳал этилади.

Бу ерда ўрганган методларни уйда қўллаш орқали болаларни мактабга тайёрлашга ҳам эришилади.

Университет томонидан ҳамкор ташкилотлар билан йўлга қўйилган “Очиқ осмон остидаги мактаб” лойиҳаси эса “Темир дафтар”га кирган оилалар аъзолари, ногиронлиги бўлган фарзандли оилалар, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ота-оналар, ёш оилаларга яқиндан ёрдам берапти. Лойиҳада маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари, ўқитувчи ва тарбиячилар истироҳат боғлари, дам олиш масканлари, махсус мактаб-интернатларда машгулотлар олиб боради. Бу орқали ногиронлиги бўлган болаларнинг қобиятлари аниқланиб, тўғри йўналтирилади. Уларнинг психологик ривожланиши учун қулай имконият ва муҳит яратилади. Шунингдек, оилада меҳр-оқибат сингари ноёб қадриятларнинг устувор бўлишига эришилади.

Натижа муҳими ёки иштирок?

Бугун талабаларимиз устозлар маслаҳатлари асосида оилада ҳам педагогик-психологик муҳит яратиш кераклигини англаб етлапти. Ёш оналар оддий юмушларни бажарётганда ҳам боласи билан очиқ мулоқотга киришиши керак. Зеро, болалар мулоқотга муҳтож. Жонли мулоқот эса ногирон болани ижтимоийлаштириш омиллидир. Талабаларимиз маҳаллалардаги ногирон фарзандлари бор оилаларни аниқлаб, улар билан манзилли иш олиб борапти. Дастлаб уларни ўз укаси, қариндоши ва қўшни болалар билан ўйинли машгулотлар ташкил этишга йўналтирдик. Сўнг оилаларга кириб бордик. Қувонарлик, маҳаллалар ёшларимизни кўмаклашди деб қабул қилмоқда. Айни пайтда Чирчиқ шаҳрининг 5 та маҳалласида шогирдларимиз педагогик ишларини йўлга қўйишга эришди.

Талаба шогирдларимизга доим “Натижамиз, иштирокми?” деган саволини бераман. Улар, албатта, натижани устувор билади. Аслида, инклюзив таълимда болаларнинг иштироки муҳим. Уларни жараёнга ундаш керак. Чунки улар “Мен буни удаламаман”, деган ҳолда олинган интимайди ёки хато қилишдан қўрққанидан иштирок этмайди. Бунда педагог маҳоратини ишга солиб, боланинг имкониятига мос топшириқни бериши ва уни фаолаштириши лозим. Биз талабаларимизни айнан шунга ўргатаймиз. Бу борада “Хато қилишга имкон бериб, ҳақиқатни англатмас” шioriга асосланамиз.

Чунончи, инклюзив таълимда сиз кутмаган турли ҳодисалар рўй беради. Болаларга ишонч билдирилса, уларга топшириқни бажаришда эркинлик берилса, бутун олам кашф этилаётгандек муҳит яратилади. Улар бирор нарсани сочиб, кейин йиғиб ўрганишга мойил. Шунинг учун ота-оналар ҳам, педагоглар ҳам болаларга бериладиган эркин ҳаракатли муҳитнинг фойдаси бўлса борки, зарари йўқлигини англаши керак.

1989 йил. Ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар у пайтлар йигитлик бурчини ўташ учун турли мамлакатларга жўнатиладди. Кўп қатори ҳарбийга чақирилган Искандар поездга чиқиб, хизматга отланганида олдинда уни нималар кутаётгани тушига ҳам қирмаганди. Навқирон йигит ўзгача орзулар билан Россиянинг олис ва чекка манзили Тувага ҳарбий қисмга келганидагина аскарлик оддий ҳаётдан фарқ қилишини англади.

Ҳарбий ҳаётга кўниккиш осон кечмади. Айниқса, бу ернинг изгиринига мослашиш учун метин ирода керак эди. Орадан олти ой ўтмай, Искандар бу ернинг табиятига анча мослашди. Аскар шундоққина ўрмон атрофида жойлашган кишлоққа баъзан айлангани чиқарди. Кунларнинг бирида овулдаги болалар боғчаси яқинидан ёлғиз ўтиб кетаётган аскар тарбиячи қизининг унга термилиб турганини кўриб қолди. Дўкондан кераклик нарсасини шошганча харид қилиб қайтган йигит боғча олдида тарбиячинини учратмади. Шу-шу, ўша нигоҳини ҳар сафар қидиридан бўлди. Охир-оқибат тарбиячи қиз билан учрашиб, суҳбатлашишга қарор қилди. Ҳарбийларга ҳаваси ўзгача тувалик қиз аскарга аллақачон кўнгли қўйиб бўлганди.

Вақт олий ҳакам. Орадан икки йил ҳам ўтиб кетди. Хизматни якунлаб, ортига қайтишга чоғланаркан, Искандар Изольдадан айрилиши хоҳламадди. Келишувга кўра, қиз ота-онаси розилигини олиб, севган йигит билан Ўзбекистонга жўнади.

Қамашига келин бўлиб тушган тувалик қизнинг ҳаёти бошида осон кечмади. Аммо тақдирга тан бериб, бу ердаги ҳаётга кўникди. Турмуш ўртоғининг айтганларига қўйиб, салкам йигирма йил яшади. Афуски, тақдир битигида уларга фарзанд кўриш бахти на сиб этмаганди. Искандар ҳам ахирини йигирма йиллик сабри тугаб, Изольдани ташлаб, ўзи бошқача уйланиб, бу ердан кўчиб кетди. Яқка-ёлғиз, ўза юрда қолган Изольда турли қаровсиз жойларда ётиб, иссиқ ва совуқда соғлиғидан айрилди. Юртига кетай деса, пули йўқ. Боз устига, ўзи шу ҳаётни таналяб, бу ёқларга келиб қолган. Энди ҳор бўлиб ўлиб кетарканман-да, деган ўйда эшикма-эшик кўч кечириб юраверди. Аммо бу юрт одамлари не-не огир кунларда қанчадан-қанча мусофирларга эшик очиб, борини баҳам кўриб келганини хаёлига ҳам келтирмасди.

Изольданинг ахволидан хабар топган маҳалла фаоллари уни шу куннинг ўзидаёқ бирор тайинли жойга жойлаштириш ҳаракатига тушди. “Саховат” уйига жўнатмоқчи бўлишганди, афуски, унинг қўлида шахсини тасдиқловчи бирор ҳужжат йўқ эди. Шундай бўлса-да, ҳеч иккиланб ўтирмасдан, Қамаши тумани марказида бир неча йилдан



буён фаолият юритиб келаётган хусусий “Саховат” уйига олиб боришди. Бундай тақдирли инсонларни кўриб ўқитиб, ўрганиб қолган “Саховат” уйидогилар унга жўй берди. Яхши сўз, яхши шариотлар остида Изольда оёққа турди. Соғлиги тикланиб, аллақачон ашшага нисбатан сўниб бўлган умиди қайта куртак эди. Аччиқ қисмати уни тутиб, ҳаётга бўлган қарашлари ўзгарди.

Меҳр бозорда сотилмайди

Самарқандда туғилиб воёга етган Саодат Ҳамидова ҳуқуқсиз бўлиш орусиди Тошкентда олиёғошга ўқишга кирди. У ерда қўллаб курсдошлари қатори қамашлик қиз билан ҳам яқин дугона бўлиб қолди. Кейинчалик айнан шу дугонасининг акасига турмушга чиқиб, бахтли ҳаёт кечира бошлайди.

Бу орада ўқишни тугатиб, бир муддат Қамаши туманида адвокат бўлиб ишлайди. Бир оз таърибга орттиргач, туман ижтимоий таъминот бўлимида фаолият юритидади. Шунингдек, бир қатор корхоналарда ҳисобчи, кадрлар бўлими бошлиғи лавозимларида меҳнат қилади. 1984 йилдан туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи лавозимида иш юртига бошлайди.

— Асосий ишим ижтимоий таъминотта оид бўлгани боис, турли ҳаракатдаги, ҳар хил ҳолатга тушган инсонлар билан учрашишга тўғри келган, — дейди Саодат ая Ҳамидова. — Айниқса, кекса, қаровчиси йўқ, ночор кишиларни кўриб, уларга қандайдир ёрдам беришга интиланган. Ле-

Орамиздаги одамлар



САХОВАТ
УЛАШАЁТГАН АЁЛ



Шундай пайтда қандай илож қилишни билмай қолардим. Уйимга олиб бориш тўғри бўлмас, тайинли бирор манзил эса йўқ эди. Гоҳида баъзиларини “Саховат” уйларига жойлаштиришга тўғри келарди. Бу учун ҳам айрим расмий ҳужжатлар, васийлик деган ишлар борлиги боис, осон кечмасди. Шунда хаёлимга туман марказидан бирор бўш жой топиб, кичикроқ бўлса-да, қаровчиси йўқ, ёлғиз кексалар яшайдиган бино қуришни ният қилдим. Бошида бир оз иккиланб юрдим. Кейин турмуш ўртоғимга бу таклифини айтганим, маъқуллаб, менга далда берди. Шундан сўнг 1993 йилда шу ишга бел боғладим.

Дастлаб бўш ер топиб, лойиҳасини тайёрлаб олдим. Шундан сўнг кўпчиликнинг таклифига кўра ҳисобрақам очиб, ҳомийлик ёрдамини қабул қила бошладим. Газета орқали эълон берганим, ҳиммати инсонлар кўп экан, анчагина маблағ йиғилди. Тезда қурилиш ишларини бошлаб юбордим. Орадан бир йил ўтиб, барча ишларни якунлаб,



“Саховат уйи” сифатида давлат рўйхатидан ўтказиб, иш бошладик.

Ун ўринли “Саховат” уйи Саодат ая режалаштириганидек, ҳақиқий ночор кексаларга бошлана бўлди. Уларга етарли имконият яратиб, ҳомийлик асосида хоналарни ян-хозлаб, яшаш учун қулайлик яратди. Унинг бу эзгу ташаббуси нафақат туманда, балки вилоятда эътироф этилди. Фаолияти давомида миллат ажратиб ўтирмади. Қўлидан келганча муҳтожларга эшик очиб, уларга ёрдам қўлини чўзди.

— Асли тувалик Изольдани ҳам олиб келишганида ахволи гоят ачинарли эди, — дейди Саодат ая. — Қолаверса, қўлида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳам йўқ эди. Уни шу ерга жойлаштириб, алоҳида парваршиладик. Анча яхши бўлиб қолди. Шундан сўнг, унинг юртига хат орқали сўровнома-лар юбордим. Бир оз вақт ўтгач, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини жўнатишди. Қариндошлари бор экан, улар билан телефон орқали гаплашишга имконият қилиб бердим. Кўп бора мулоқотлар олиб боришгач, уни юртига чақирди. Мен ҳам агар кетмоқчи бўлса, унга ёрдам беришимни айтдим. Лекин у рози бўлмади. Уч йил олдин фуқаролик паспорти ҳам берилди. Анча йиллар фарован умр кечириб, ўтган йил вафот этди. Ҳозирга қадар юзга яқин кексаларга бошлана бердик. Айни кунда эса ўн олти нафар қариямиз умр кечирмоқда.

Бу саховатли ишни бир ўзим бажариб келяман, демайман. Сабаби, кўпчиликнинг ёрдами катта. Туман ҳокимлиги, туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари доим ошаётган бўлса-да, бекор ўтиришни истамайди. “Саховат” уйи раҳбари бўлиш билан бирга Ногиронлар жамияти Қамаши туман бўлими раиси сифатида ҳам фаолият олиб боради. Имконияти чекланган кишиларга кўмак бериб, уларнинг бандлигини таъминлашда, ижтимоий ёрдам беришда бош-қош бўлиб келмоқда. Улар “Ишга марҳамат” мономарказларида касб-ҳунар эгаллаб, меҳнат қилишга йўл очмоқда. Бундан ташқари, турли мавзуларда ўз лойиҳаси билан грантлар қўлга киритиб, савобли амалларни бажаришдан ҳам тўхтагани йўқ.

Яна бир гап. Саодат ая яқинда бир хайрли ишга қўл урди — ўз маҳалласида боғ яратмоқда.

— Боғ яратишни бошлаганимга анча бўлди, — дейди Саодат ая. — Биринчи экан дарактарим тугиб кетди. Яқинда яна минг туп ниҳол олиб келдим. Тез орада шу жойга экиб чиқамиз. Насиб бўлса, маҳалламиз яшилликка бурканади. Бунинг учун фарзандларим, турмуш ўртоғим менга мадад бериб келмоқда.

Халқимизда “Яхшидан боғ қолади” деган нақл бор. Аллақачон яшиллик уругини сочиб, каттагина эзгулик боғини яратиб қўйган Саодат аянинг ишлари кўпчиликка нўнана бўлиши шубҳасиз. Албатта, юртимизда фидойиллик боғбонлари қўпайиб бора-бора экан, кўнглилик шод бўлиб, умр мазмуни янада бойийверади.

ёрдамга шай. Ҳар сафар бирор нарса керак бўладими ёки кексаларимизга кўмакми, йўқ дейишмайди. Яхши инсонлар ҳар доим ёнимда. Ҳамиша ҳиммат қилмоқчи бўлишса, шу ерга келишди. Кексаларнинг дуосини олишадди.



Гоҳида номақбул фарзандлар дастидан қаровсиз қолиб кетган фахрийлар муурожаат қилади. Одам боласи қанчалик шафқатсиз бўлиб қолганига ҳайрон бўламан. Шундай фарзандлар билан илжи борича юзма-юз учрашишга, ҳаёт бир марома эмаслигини, эртага вақт ўтиб, шу кўйга ўзи ҳам тушиб қолиши мумкинлигини ўқтираман. Айримлари тушуниб, тўғри қабул қилади. Фикри ўзгаради. Бошқа бундай қилмаслигини айтади. Аммо баъзиларга гапириб бегойида. Бу ишдан пушаймон бўлиб, бош эгиб келганлари анча бор.

Фидойи онанинг мурувватли ишларини кўрган киши раҳмат айтмасдан қолмайди. Бутун бу ерда яшаётган кексалар ҳам Саодат аядан манун. Қўллари доим дуода.

— Барчамизга бошлана билан бирга меҳр ҳам берган, — дейди “Саховат” уйи нурунийларидан бири. — Тақдиринг кутиманган зарбаси тубайли шу ҳолга тушганимда энди қандай умр кечираман, дегандим. Шўқрки, ахшилар кўп экан. Бугун бу ерда тинч ва осуда ҳаёт кечирмоқдаман. Илоҳим, Саодат опа каби инсонлар юртимизда кўпайсин. Ҳар кун ўзи бирма-бир ахволимизни сўраб чиқади. Кимгадир шифокор кўриги зарур ёки бимжа бирор нарса керак бўлса, шу захотиёқ ишга киришади. Нафақамизни вақтида олишимизда, керакли озиқ-овқатларни келтиришда ҳам барча қулайликлар яратиб берган. Бунинг учун у киши олдида доим таъзимдамиз.

Саховатпеша аёл бу ишлари билан тўхтаб қолмоқчи эмас. Яна қўшимча ўнга хондан иборат ишни барпо этди. Ишонотнинг ташқи таъмир ишлари тўлиқ якунига етказилгач, фойдаланишга топширилади.

Яхшидан боғ қолар

Айни пайтда Саодат ая етмиш ёшдан ошаётган бўлса-да, бекор ўтиришни истамайди. “Саховат” уйи раҳбари бўлиш билан бирга Ногиронлар жамияти Қамаши туман бўлими раиси сифатида ҳам фаолият олиб боради. Имконияти чекланган кишиларга кўмак бериб, уларнинг бандлигини таъминлашда, ижтимоий ёрдам беришда бош-қош бўлиб келмоқда. Улар “Ишга марҳамат” мономарказларида касб-ҳунар эгаллаб, меҳнат қилишга йўл очмоқда. Бундан ташқари, турли мавзуларда ўз лойиҳаси билан грантлар қўлга киритиб, савобли амалларни бажаришдан ҳам тўхтагани йўқ.

Яна бир гап. Саодат ая яқинда бир хайрли ишга қўл урди — ўз маҳалласида боғ яратмоқда.

— Боғ яратишни бошлаганимга анча бўлди, — дейди Саодат ая. — Биринчи экан дарактарим тугиб кетди. Яқинда яна минг туп ниҳол олиб келдим. Тез орада шу жойга экиб чиқамиз. Насиб бўлса, маҳалламиз яшилликка бурканади. Бунинг учун фарзандларим, турмуш ўртоғим менга мадад бериб келмоқда.

Халқимизда “Яхшидан боғ қолади” деган нақл бор. Аллақачон яшиллик уругини сочиб, каттагина эзгулик боғини яратиб қўйган Саодат аянинг ишлари кўпчиликка нўнана бўлиши шубҳасиз. Албатта, юртимизда фидойиллик боғбонлари қўпайиб бора-бора экан, кўнглилик шод бўлиб, умр мазмуни янада бойийверади.

Муносабат

“Кўприк қур, қудуқ қази, савоби тегади” деган ибора халқимиз орасида қадимдан айтиб келинади. Бу гапда чуқур маъно бор. Чунки тошқин сувдан ўтмоқ учун кўприк керак, чўлда чанқаган йўловчига эса бир ҳовуч сув.

ЭСАР ЖАЙХУН ТАМОЛЛАРИ...

Президентимизнинг Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонга ташрифи давомида туғилган йўлар

Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани Жайхуннинг сўл қирғоғида жойлашган бўлса, унинг бир қисми ўнг қирғоқда. Жайхун эса сарқаш дарёдир. Сув мўл йиллари Қипчоқ деб номланган, деярли минг йиллар бўйи йўловчиларни тошқин сувдан ўтказиб қўйдиган кемачилари билан машҳур бандаргоҳнинг атрофини тўлдириб, аҳолини шовилтириб, ташвишга соладиган вақтлар жуда кўп бўлган.

Дарёнинг ўнг томонида яшайдиган қорақалпоқлар ўтган асрларда Қипчоқ бандаргоҳида Жайхундан кемаларда ўтиб, Хива, Урганч, Манғитга борган. Қанчадан-қанча уловлар ва йўловчилар сувга гарқ бўлиб кетган.

Қипчоқ бандаргоҳида кўприк қуриш масаласи ўтган асрда бир неча бор кўтарилган, аммо ҳар хил баҳоналар билан орқага суриб келинган. Яқинда эса икки соҳилни туташтирган, устидан куну тун йигирма тўрт соат поездлар қарвони, ўн икки мингдан зиёд автомашина ўтказиш қувватига эга кўприк қуриб битказилди.

Президентимиз 2020 йил декабрда худудга ташрифи пайтида Хоразм ҳамда Қорақалпоғистонни боғловчи автомобиль ва темир йўл кўприги қурилиши ҳақида гапирди. Ушундан ҳар кун Амударёдан омонатгина пантон кўприқдан, қиш кунлари — дарёда қалин муз кўчган кезлари жон ҳовучлаб, қилтиллаган эски баржа-паромларда ўтиб юрган халқ: “Кўприк қурилса, автомашина ёки поездда дарёдан ошиб, эмин-эркин қатнайвер эканмиз-да”, деб қувонган эди. Орадан уч йил ўтар-ўтмас, ўша айтилган сўзнинг ижроси таъминланганини ўз кўзи билан кўрган одамларнинг қувончи олам-олам кўриди...

Шу йил 29 февраль кунини Қипчоқ бандаргоҳи ёнида қурилган темир йўл ва автомобиль йўли кўприги очилиш маросимини хоразмликлар ва қорақалпоғистонликлар байрамона кайфиятда кутиб олди.


Давлатимиз раҳбари кўприкнинг тантанали очилиш маросимида бу кўприк азалдан қўшни ва қон-қардош хоразмликлар ҳамда қорақалпоғистонликларнинг туғилганлик алоқаларини мустаҳкамлабгина қолмай, икки элат иқтисодининг ривожига катта ҳисса қўшаганини айтди. Кўприк орқали юрадиган юк поездлари Қораўзақ туманидан Хоразмга қурилиш материалларини ташинди. Бу юк машинасида ташигандан анча арзон ва йўл қопламалари бузилишининг олдини олади. Бундан ташқари, Шовот — Қораўзақ темир йўли ва учта темир йўл бекати йўловчилар манзилга етиши учун икки соат вақт тежайди ва дарёдан ўтишда хавфсизлигини таъминлайди.

Президентимиз худуднинг келажаги ҳақида тўлиб-тошиб, жон куйдириб гапирар экан, яқин йилларда бу худудни электр қуввати билан таъминлаш бўйича қилинадиган катта ҳажмдаги ишларга, шунингдек, инфратузилмани ривожлантириш мақсадида Бухоро — Урганч — Хива, Минск — Нукус тезкор поездлари йўналишини электрлаштириш ишлари 2025 йилгача бажарилишини айтди.

Тантананада кўпни кўрган, шу кунгача дарёдан ўтиш машаққатини кўп марта бошидан кечирган нуронийларнинг сўзи кўприк қурилишининг нақадар катта аҳамиятга эга эканини яна бир қарра намоеън этди.

Кўприк Амунинг кўш соҳилида яшайдиган хоразмликлар ва қорақалпоқларнинг орузи эди, десам тўғри бўлади, — дейди қорақалпоғистонлик меҳнат фахрийси Амин Тожиёв. — Чунки икки халқнинг асрлар давомида тарихи, маданияти, иқтисодийи чамбарчас боғланган. Хивалик Шаббозга келмай, шаббозлик эса Хивага келмай тура олмайди. Февраль-март ойларида муз устидан ўтиш хавфли. Уни қилчоқликлар “абиржи”, дейди. Ана шундай маҳалда тавakkал қилганларнинг қанчаси уловидан айрилиб, ўзи ноубуд бўлган. Энди-чи? Аллоҳга шукр, вақти-соати етган экан, мана, қурилди.

— Адашим ҳақ гапни айтди. Икки соҳил аҳолиси қуда-анда бўлиб, қони қоришиб кетган, — дейди хоразмлик меҳнат фахрийси Амин Вафоев. — Мен асли гурланликман. Бурунги йилларда тўйдан хабар топган юртдошларим дарё сабаб Чимбой, Халқободдан тўйга боролмай, хижолат бўлганини ўз кўзим



Кенгесбой КАРИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Қорақалпоғистон халқ шоири

билан кўрганман. Ниҳоят, у кунлар ортда қолди. Энди Нукусга борамиз, десак 180 километр йўл босиб, Берунийдан айланмаймиз. Кўприк қурилиши ташкилотчиларига узоқ умр тилаб, қўлимиз доим дуода. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид янги кўприкка бағишлаб шеър ўқиганида халқнинг кўнглида нечоғлиқ ҳаяжон ва заъв уйғонганидан бу воқеанинг нақадар аҳамияти улкан эканини англаса бўлади. Балки улардан бирортаси:

Бир хушхабар тарқалди янграб,
Бугун Шовот, Манғитда байрам,
Пирмат бобо шонмас, ҳайрон,
Жайхун узра кўприк қурилди.
Энди кема кутиб юрмаймиз,

Бандаргоҳда узоқ турмаймиз,
Паромларга бўйин бурмаймиз,
Жайхун узра кўприк қурилди.
Шукр, бошимизда ҳур замон,
Юртимиз тинч, элатлар омон,
Қорақалпоқдан Хоразм томон,
Жайхун узра кўприк қурилди.
Йўллар очик, борсак ҳам қайга,
Қораўзақ ёки Чимбойга,
Ҳой Матқарим, мошини ҳайда,
Жайхун узра кўприк қурилди,
деб ўзича хиргойи қилгандир.

Юксак аҳамиятли иншоотлар — кўприклар, муҳташам бинолар авлоддан-авлодга қолади ва халқ манфаати учун хизмат қилаверади.

Тантанана йиғилганлар Президентимизнинг “Қорақалпоқ халқининг бахти — Ўзбек халқининг бахти, Ўзбек халқининг бахти эса қорақалпоқ халқининг бахтидир”, деган сўзини гулдорус қарсақлар билан кўллаб-қувватлади. Бу жўшқин хитоб ҳар бир қорақалпоқ фарзандининг юрагига етиб боради ва шу давлат фуқароси эканидан гурур уйғотади.

Янги кўприк очилиши тантанасида ака-ука Эшжоновлар Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Ибройим Юсуповнинг машҳур шеърини:

Ўзбеклар шонли диёр,
Булутга шикда ёнар,
Ҳар бир қунда навобар,
Эсар Жайхун шамолари,
деган сатрларни хонши қилганида Жайхун узра қурилган мустаҳкам иншоотнинг пўлат устунларини силаб, баҳор шамоли эс-моқда эди.



Ифтихор

ВАТАН СИЗНИ ЁЛҒИЗ ҚЎЙМАС ЁХУД КЎНГИЛЛАРНИ БОҒЛАГАН ЙЎЛ

Бир куни мактабга кетаётган йўл четидаги тошни кўчанинг ўртасига олиб қўйдим. Бола эдим-да. Мендан бир неча қадам олдинда хаёл билан кетаётган бобом куюқ қошлари орасидан боқиб, секин ёнимга келиб, “Ҳозир кучинг, хушинг бор. Аммо бу йўл халқники, бу ердан кучли ҳам, кучсиз ҳам, қари ва ёш ҳам ўтади. Сен халқнинг ҳақини бундай поймол қилма”, дед дакки берганини яхши эслаيمان. Дакки сабаб бўлса керак, шундан буён йўл устида тош кўрсам, секин четга олиб қўяман. Йўл, аслида, инсонлар, техника ўтиб-қайтадиган оддий нарсасдек кўринади. Аммо унинг замирида улкан ҳақиқатлар ётади.

кетаётган инсониятнинг биргина мақсади бор: фаровон ва бахтли ҳаёт қуриш. Бугун янги руҳ уфуриб турган, янгича қарашлар, янги тафаккур билан йўлга олган янги Ўзбекистоннинг биргина мақсади ҳам шундир, аслида.

Яқинда Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасининг чекка худудларини боғловчи катта кўприк қуриб битказилди. Дунёда ҳашамдор кўприклар бисёр: Хеликс (Сингапур), Тауэр (Буюк Британия), Риалто (Италия) кўприкларидан. Аммо улар ўз чиройи, ҳашамати билан машҳур бўлса, Жайхун дарёсининг устида бунёд бўлган кўприк ҳаётини аҳамияти билан ажратиб туради.

Бу кўприкнинг аҳамиятли жиҳати — асрлар давомида бир дарёнинг икки ўзанида яшаётган элларни боғлайди. Ҳеч бир даврда инсоният фақат ўз худуди билан чегараланиб қолмаган. Энг катта цивилизациялар шаклланиши ва бунёд бўлишида ташқи алоқаларнинг таъсири жуда муҳим. Шундай экан, Қорақалпоғистоннинг баъзи туманларини шаҳарлар маркази билан боғловчи кўприк бугунги кунгача талабга жавоб бермасди. Шунинг учун унга муқобил мустаҳкам иншоот юзига келди.

Бундан бир неча йиллар муқаддам Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани Қангли овулига курсдошимиз Турсунбойнинг тўйи баҳонасида борганмиз. Юрардан олдин йўл

Сардор ТОЛИБОВЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Йўл қурган элда азиз, дейди доно халқимиз. Бунинг моҳиятида эл одами ётади. Қишлоғимиз уч томони тоғлар билан ўралган, фақатгина жануб пасттекслик ва шу томони биши шаҳар ва туман маркази билан боғлайди. Бўйин адириклар бағрида жойлашгани босиб, эрта кўккам қум ёки тупроқ қатлам бўлган йўлни ёмғир ва жалалар ювиб кетарди. Қишлоққа чиқаришда Жомонтўп деган тепалик бор. У ердан ёгин-сочин вақти машина чиқолмаслиги сабабли ёмғир тупроқни йўлни лойга айлантиради. Аҳоли эса қишлоқдан йигирма чақирим олдидан бозорга боролмай, бозор-ўчардан қисиниб қолган. Қишлоқнинг оқсоқолини бир жойга йиғилиб қолса, Келдибой раниси тилга олади. Уни мен ҳам элас-элас эслаيمان. Бугундан келбатли, юзлари тўлишган инсон эди. Қишлоқнинг эски бойларидан бўлган. У анча йил қишлоққа оқсоқолик қилди. Шу даврда бири у деб, бири бу деб ёмонлади. Сабаби, қаттиққўл инсон эди. Ҳар йили қишлоқ аҳлига катта ҳовуч қурдириб, булоқлар сувини жамлагар, ёш билан аҳоли шу сувни навбати билан оқизиб экинлик қиларди. Сел келиб, ҳовузни бузиб кетса, хашарга яна қишлоқ аҳлини қайтарарди. Бўйин эгмаслик бўлмаган. Унинг даврида маҳаллага бирорта милиция ораламаган деишарди. Келди, деб қолишса, ўзи бориб, уларни орқага қайтариб юборар экан. Сабаби, қишлоқда не гап бўлса, ҳаммасини ўзи жой-жойига қўяр, кези келса, уриб-сўқарди ҳам. Лекин ҳали-ҳамон ёш қарининг тилида эсланади. Негаки, ўша тепаликни — Жомонтўпни ўз маблаг ҳисобидан сурдириб, асфальт ётқизган. Бугун эса уни кўрган-билган одамлар ҳақида бир дуо қилиб қўяди. Одамнинг азизлиги шундир, асли. Унинг мероси бутун авлодлар учун хизмат қилмоқда. Бугун бу йўлдан не-не уловлар қишлоқ аҳлининг хизматини ўтамайти, дейсиз.

Йўл бўйида қандай улкан шаҳарлар бунёд бўлмади. Биргина Буюк ипак йўлини эсланг. Қанча давлатлар шу орқали ривожланди, ҳам маданий, ҳам иқтисодий жиҳатдан дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшди. Энг гулланган темирйўллар даврида ҳам йўлга катта аҳамият берилган. “Темир тузуклари” катобиди: “Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоғлар қурилиши, йўловчи мусофирлар учун йўл устига роботлар бино қилиши, дарёлар устига кўприклар қурилиши буюрдим”, дея битилган. Босиб битта. Бу йўлда инсон тамаддуни кўчади, бу йўлда инсон ўз-ўзига боқадди ва келажакка йўл солади.

Бугун жаддаллашиб бораётган дунёда ҳар бир одамнинг, ҳар бир миллатнинг, ҳар бир давлатнинг ўз йўли бўлиши керак. Бу йўлда



ахтар, дейди доно халқимиз. Ўша вақтда Амударёнинг устида пантон кўпригидан ўтолмай, айланма йўлдан борган эдик. Сабаби, кўприкни мушун пастта қараб суриб қўйганди. Бир амаллаб айланма йўл билан манзилга етганди. Ястаниб ётган кенгликлар қучоғидаги бир овул экан. Ўзимиз каби жайдари одамлар. Меҳмон келса, борини тўқлади. Одам баъзан шу кенгликлар каби кенг халқи борлигини ўйлаб, ич-ичидан қувонади.

Йўл ҳовури босилиб қолди. Баҳор вақти экан, шекилли. Ўша жойда бир ҳафтага қўлиб кетдик. Овулнинг дилқас одамлари суқбатидан баҳраманд бўлдик. Қангли овули оқсоқолларидан Худоев бобо билан узоқ гурун қилганмиз — одам тафтини одам олади, дегандек. Бирпас олдин қандай бўлмасин пойтахтга боришимиз кераклиги, ишимиз зарурлигини бир-биримизга ўқтира бошлаганмизда Худоев бобо бизни шовилмасликка даъват этганди: “Дарё ҳозир беҳаловат, айланма йўлларнинг аҳоли ҳам яхши эмас”, дея сўхбатини бошлаб юборганди. Сўхбат давомида бобонинг ёши етмиш тўртда эканини, шу овулда ўттиз йилдан ортқроқ вақт ўқитувчилик қилганини билиб олдик. Ҳайтовур, ўрта бўйли, қотмадан келган, соч-соқолига аллақачон оқ оралаган, аммо ҳали тетиккина эди. Сўраб-суриштиришдан сўнг дастурхон ёзилди. Бир вақт қамшилар билан ўралган қовунни дастурхон бошига қўйди. Бобо бу қовунни қандай қилиб асраб келган экан, деган савол туғилганини сездим, шекилли, секин гап бошлади: “Бунинг номи тулқитумшук. Шу

қовун турини ва қирқма қовунни баҳоргача сақлаб қўйса бўлади. Қолганлари мавсумий”. Секин бобога гап ташладим: “Бу қовунларни сотиб, бойиб кетсангизлар керак-а? Ахир қиш фаслида отнинг гўшти билан тенг дейишарди”. Худоев бобонинг юзига нимтабассум югурди. Аммо узоққа қўзилмади. Бошидаги тулки терисидан қилинган телпагини олиб, маҳс тортди, гап бошлади.

— Бу овулнинг асосий тирикчилиги — деҳқончилик. Қовун, помидор, пахта, бугдой каби экинлар экилади. Ҳосил яхши бўлади. Амударёнинг суви билан йил қишин-ёзин шу ер орқасидан кун қуришади. Катта-катта заводлар йўқ. Аммо бир томони бор. Етиштирган маҳсулотимизни яхши нархга сотолмаймиз. Кўпчилик шунинг учун бу ишдан қўл тортган. Четга кетяпти. Сабаби, марказий бозорларимиз — Чимбой, Қўнғирот, Нукусга етиб бориш учун айланма йўл юриш керак. Бу эса маҳсулотнинг таннариҳидан ошиб кетади. Сабаби, мана шу пантон кўпригидан машина қатнови бир неча ой тўхтайдди. Шаҳар марказидан келаётган ёқилинган ҳам қимматлашади. Хуллас, ўзимиз учунгина етиштирамиз, — дея ўқинди отахон.

Бир бурчакда урчуқ йигириб ўтирган, бошидаги қосабаси ярашиб турган муштдекки кампир гапга қўшилади: “Болаларимиз республика марказларида ўқийди. То етиб келишидан тортди, етиб бургунгича ичимизда бир ҳадик бўлади: “Дарёдан ўтиб олдимикан?” Кампир ишини давом эттиради. Биз эса томоғимизга олган бир луқма қовунимиз билан қолдик...

Сафар қариди. Кўприкдан ҳали-бери ўтиб бўлмастлигини билиб, овулдошлар орасидан бир қайиқчи бизни дарёнинг нариги қирғоғига ўтказиб қўйишни ваъда берди. Биз уч киши ва яна қайиқчи билан дарё ўртасига қараб сузиб борар эканмиз, ортимиздан Худоев бобо овулдошлари билан қирғоқда кузатиб қолди. Бир томондан, жўшқин дарё кўнглимизга ҳадик сола бошлади. Бунинг англамидек, қайиқчи сувнинг шивирлашларини ютиб юборгудек қилиб шеър айта бошлади:

Аму! Йўқ, бу сўзи, мен сизга айтсам,
Бепарво талаффуз қилолмас халқим!
Аму бўлмаганда, бу ерни биз ҳам
Қорақалпоғистон демасдик, балқим.
Хаёл ортимизда қолаётган самимият йўғрилган одамларга кетади. Дилқас, бағрикенг одамлар. Уларга қараб, ҳайқиргим келади: Ватан сизни ёлғиз қўймади. Бу сўзни дарёнинг шовиллаши ютиб юборди. Балки ич-ичимдан жаранглаётган бир сўз...

Бугун Жайхун устига тўшалган кўприкдан нафақат машина, балки поезд қатнови ҳам йўлга қўйилиши орқали дарёнинг икки томонида яшаётган халқнинг асрий орузи ушладди. Бир овулнинг, бир туманининг инсонлари шодлиги, гўдақлар кўзидан келажакка умид, мўйсафидлар юзига қотиб қолган кўз ёшлар замирида бизни омил ётади. Улар ишонмоқда — юртига, келажакка.

Юқорида йўл ҳақида бир оз гапириб ўтгандик. Бугун кўприк ва темир йўл ҳам-тинни сизга айтди. Энди Қангли овулида шу кўприк орқали бориш-келиш, олди-бердиси бўлган аҳолининг дастурхони янада тўкин бўлади. Масофалар қисқариб, ёқилиш ва бошқа маҳсулотларни нафақат ички бозор, балки Россия ва Қозғоғистонга ҳам экспорт қила олиш имкониятига эга бўлади.

Бу ерларда байрам шуккуҳ кезиб юрибди. Йўл юзлаб эмас, балки минглаб одамларнинг елкасига ортомқлаб олган тирикчилик ташвишини енгиллатади. Хаёлимдан эса ўша Жайхун бўйидаги Худоев бобо аллақачон осиб қўйган қовунларини бозорга олиб боришга чоғланаётгани, фарзандлари дийдорини соғинган оналар мусофирчиликка юрган ўғилларига сиз қоқиб, янгликни улашиб, юрта даъват етганлари ўтаверади.

Бугун бу йўл кўнгиллари боғлади. Дарёнинг икки томонидаги одамлар бир-бириникига йўл олар экан, кўнгил хотиржам ҳаракатланади. Эски кўприкни кўриб, унинг заҳматларини тортган эл одамлари қўлларини дуога очиб, бу ишда бош-қош бўлган қовунни дастурхон бошига қўйди. Бобо бу қовунни қандай қилиб асраб келган экан, деган савол туғилганини сездим, шекилли, секин гап бошлади: “Бунинг номи тулқитумшук. Шу

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 768.
44899 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусахҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй